В настоящее время в независимом Узбекистане эта форма местного самоуправления нашла свое место, все больше становясь нижней ячейкой государственного устройства. Данный традиционный институт не только возрождается, но и обрастает новыми функциями и занимает важное место в управленческой системе современного общества.

М. Филанович

**ҚАДИМГИ ЖАМОА ТАРИХИНИНГ АГИРИМ МУАММОЛАРИ
ВА «МАҲАЛЛА»НИНГ КЕЛИШ ЧИҚИШИ ҲАҚИДА**

Маҳалла Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-ҳудудий жойлишуви шакли сифатида тарихан патриархал уруғ жамоаси даврида ноқ таркиб топган. У «Авесто»нинг патриархал уруғ жамоаси — агнатлардан илк ўрта асрлардаги «наф» қўшинчилиги бирлашмаси орқали ривожланган ўрта асрлардаги квартал жамоаларига ўсиб ўтган. Арабчи «маҳалла» термини илк бор X аср муаллифи ан-Наршахий томонидан VIII аср бошларидаги Бухоронинг ички кварталларини белгилаш учун қўлланилган.

M. Filanovich

**ON THE ASPECTS OF THE HISTORY OF COMMUNITY IN THE ANCIENT TIME
AND ORIGIN ON INSTITUTE OF «MACHALLYA»**

The becoming of Machallya social-territorial form in Uzbekistan had following stages; from patriarchal community of relative («agnats» in «Avesta») through neighbouring community («na») of early Middle Ages to town-quarter community of the developed Middle Ages. For the first time this term was used by an-Narshakhi in the 10th century for the inner wards of a as definition town of Bukhara in the 8th century.

C. Фуломов

**АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН
ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ**

Тарихий манбалардан маълум бўладигани, Амир Темур давлатида мамлакат ҳаётининг барча соҳалари сингарни ташқи алоқалар масаласига ҳам катта эътибор берилган. Алоқалар қўлами шу қадар кенг эдики, Шарқда Хитойдан тортиб, Ғарбда Европа давлатлари бунга дохил бўлган эдилар. Уша даврда халқаро майдонда Хитой, Мамлуклар давлати, Усмонийлар давлати, Олтин Урда каби нуфузли давлатларнинг ҳар бири билан муттасил алоқа боғлаб турилган. Бундан ташқари Қора қуюнчулар, жалойирийлар, қараманлилар сингарни исбатан кичикроқ ҳукмрон доиралар билан ҳам муносабатлар олиб борилган эди. Булар ҳақида бир томондан тарихий асарлар гувоҳлик берса, иккинчи томондан Амир Темур ва хорижий давлатлар ҳукмдорлари ораларида олиб борилган ёзма мулоқотлар — мактубларнинг сақланиб қолган нусхалари далолат беради. Ана шундай

кенг кўламли хорижий муносабатлар манзарасида Темур давлатининг Европа давлатлари билан муносабатлари ўз мазмун моҳияти билан ажралиб туради.

Манбаларда XV асрнинг илк йилларида Темур давлати ва Фарбнинг бир қанча қиролликлари ораларида кечган қизғин муносабатлар ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз.

Икки қитъа орасида амалга ошган мазкур мулоқотларни қайси тарихий эҳтиёж келтириб чиқарди экан? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. Пировардида М. М. Александреску Дерсканинг «*La compagne de Timur en Anatolie*» (1402)¹, З. В. Тўғонининг «*Timurs Osteuropapolitik*»², И. И. Умняковнинг «*Международные отношения Средней Азии в начале XV века*»³ ва «*Малоизвестный французский источник о Тимуре*»⁴, Л. Керен, А. Саидовларнинг «*Амир Темур ва Франция*»⁵, Х. Исматуллаевнинг «*Византия тарихида Амир Темурнинг ўрни*»⁶ ва шу сингари бир қанча монотрафия ва мақолалар дунё юзини кўрдик, шулар эвазига XIV аср Марказий Осиё ва Фарб муносабатлари тарихи соҳасида кўп бўшлиқлар тўлдирилди. Яратилган адабиётларнинг кўпчилиги мавзуба ҳе даврга оид тарихий асарлардан ташқари ҳужжатлар таҳлилини ҳам ўз ичига олган эди. Улар натижасида Амир Темур ва Фарб давлатлари муносабатларининг манзараси намоян бўла бошлади.

XIV асрнинг охириги чораги Европа ва Кичик Осиё учун ҳам катта ўзгаришлар даври бўлди. Европа давлатларининг энг сара рицарлари жалб этилган «Салб юриши» аввалги қудратини йўқотиб бораётган эди. Айниқса, 1396 йилда Болгариянинг Никопол шаҳрида салб лашкари ва усмонийлар орасида бўлиб ўтган катта жангда Европа рицарлари қайта ростланмас даражада мағлубиятга учради. XIV аср охирига келиб, Усмонийлар давлати Кичик Осиёда кенг қулоч ёзиб, Болқон ярим ороли ҳудудларини ҳам бўйсундира бошлаган бир даврда, у билан ёнма-ён ҳаёт кечираётган Византия империяси жуда танг ҳолатга келган эди. Император Мануил II Палеолог (1391—1425) пойтахти бўлган Константинопол ташқарисидан барча ҳудудларидан ажралиб бўлганди. Византия тарихида унинг ҳудудига хунлар, аварлар, араблар, булғорлар ҳужум қилганлиги маълум, аммо бу давргача Константинопол ҳеч бир мартаба душман эҳтиёрига ўтмаганди⁷. Бу сафар Константинопол ҳам катта хавф остида эди. Император Мануил II вақтинча ўз ўрнига Иоанн VII Палеолог исмли ноибини тайин этиб, ўзи 1399 йилда Усмонийлар давлатига қарши кураш учун ёр-

¹ Marie-Mathilde Alexandrescu-Derska. *La Campagne de Timur en Anatolie* (1402), Bucharest, 1942.

² Togan Z. V. *Timurs Osteuropapolitik*. Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft, Band 108, Wiesbaden, 1958.

³ Умняков И. И. *Международные отношения Средней Азии в начале XV века* // Труды узбекского государственного университета. Новая серия. № 61. Самарканд, 1956. Мақоланинг тўлдирилган вариантини қarang: *Внешнеполитические связи Самарканд с государствами Западной Европы. История Самарканд*. Т. 1. Ташкент, 1969. С. 173—195.

⁴ Его же. *Малоизвестный французский источник о Тимуре* // Труды Самаркандского государственного университета. Вып. 101. Самарканд, 1960.

⁵ Керен Л., Саидов А. *Амир Темур ва Франция*. Тошкент, 1996.

⁶ Исматуллаев Х. *Византия тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни* // Мулоқот. 5-сон. 1996.

⁷ Диль Ш. *Основные проблемы византийской истории*. М., 1947. С. 21.

дам олиш илинжида Европа қироллари хузурига жўнаб кетди. Европа қироллари Византия императорининг таклифига ижобий жавоб беришга ботина олмас эдилар. Чунки улар 1389 йилдаги Косова жангида Сербия мағлубияти, 1393 йилда Болгариянинг забт этилиши, 1396 йилги Никопол жанглари мисолида Усмонийлар давлатининг қудратини яхши англаб олган эдилар.

Айнан маишу шу даврда Амир Темурнинг етти йиллик юриши (1399—1404)га отлангани Кичик Осиё ва Европада юз бераётган воқеалар ривожидида кескин бурилиш ясади. Энди Усмонийлар давлати олдида жиддий хавф турган эди. Усмонийлар султони Боязид Йилдирим (1389—1402) ва Амир Темур ораларида амалга ошган ўзаро муносабатлар ўз тарихига эга⁸. Ҳар икки давлат орасида элчилар қатнаб турдилар. Орада пайдо бўлган низонинг сабаблари мазкур икки ҳукмдорнинг ёзишмаларида яққол кўриниб туради. Орада олиб борилган сиёсий муомала наф бермайди. Натижада тарихда «Анқара жанги» (1402 йил 27 июл) номи билан муҳрланган жанг юз бериб, у Усмонийлар давлатининг мағлубияти билан якунланади. Бундай натижа Европа учун айни муддао эди. Халқ орасида бу воқеа бир неча асрлар давомида унутилмади. Бу ҳақда Халкондил, Дукас, Францесларнинг тарихий асарлари, Кристофер Марло, Николас Прадон, Николас Роу ва улар сиғариларининг 25 га яқин Анқара жанги мавзусидаги драма, трагедия ва новеллалари яратилди⁹.

Анқара жангидан аввал ва сўнг Амир Темур билан Европа давлатлари ҳукмдорлари орасида ёзма мулоқотлар анча авж олганининг гувоҳи бўламиз. Мулоқотлар ва хусусан, ёзишмаларнинг хронологик тартибига риоя қилинса, масалани Амир Темурнинг Византия муваққат императори Иоанн Палеолог номига йўллаган мактубидан¹⁰ бошлаш маъниқли бўлади.

1402 йилнинг 15 майида битилган ушбу мактубда Амир Темур, асосан, Усмонийлар давлатига қарши юришга тайёрланаётгани ҳақида хабар беради ҳамда Иоанн Палеологдан усмонийларга денгиз орқали ҳужум учун 20 та кемани Трапезундга юборишни сўрайди. Ушбу мактубни Исаак исмли элчи Византияга етказган. Мактубнинг асосий мазмуни шулардан иборатдек кўринса-да, унда тадқиқотчилар эътиборини тортадиган яна бир қанча муҳим маълумотлар мавжуд.

Биринчидан, мактубнинг аввалида Амир Темур Константинополдан келган Франческо¹¹ ва Александр исмли элчиларнинг мактуб келтирилганликлари ҳақида ёзади. Демак, Мануил II Палеолог Европага кетгандан сўнг Иоанн Палеолог вазиятни тўғри баҳолаб, Амир Темур билан мулоқотга киришишни мақсад қилиб қўйган ва келишув таклифи билан ўз элчиларини Амир Темур хузурига йўллаган. Бинобарин, Темур давлати ва Византия орасидаги муносабатлар

⁸ Фуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари//Шарқшунослик. 7-сон. Тошкент, 1996.

⁹ Ottokar I. Tamerlan und Bajazel in den Literaturen des Abendlandes. Inaugural-Dissertation zur Erlangung der Doktorwürde der Hohen Philosophischen Fakultät der Friedrich-Alexanders Universität. Erlangen, 1912.

¹⁰ Marie-Mathilde Alexandrescu-Dersca. La Campagne... s. 123; Умняков И. И. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы. С. 175.

¹¹ Франциск (Франческо) Сатру — Амир Темурнинг Ғарб давлатлари билан олиб борган муносабатларида дипломатик миссияни адо этган доминикан роҳиб.

1402 йил 15 майдан эътиборан эмас, балки ундан бирмунча аввалроқ бошланганлиги маълум бўлади.

Иккинчидан, ушбу хатда Франческо биринчи бор элчилик миссияси билан Темур хузурига келаётганида Трапезунд императори Мануил III Комнин (1390—1417) унга тўсқинлик қилгани ва бу воқеадан сўнг Амир Темур Трапезундга юрини қилиб, уни ўзига тобе этгани ҳақида хабар берилади. Бундан маълум бўладикки, Трапезунд бу даврда Византияни тани олмай қўйган ва мустақил равишда ҳаёт кечираётган эди.

Учинчидан, Боязиднинг эчилари келганлиги ва Византия элчиси Франческонинг бу эчиларга қарата «Шу кунга қадар Константинополь ва Пера Боязидга тўлаб келган ўлпонни энди Амир Темурга тўлашни истайди» деган сўзларини келтиради. Бундан кўринадики, Византия империяси XIV аср охириларида Усмонийлар давлатига ўлпон тўлаш ҳисобига жон сақлаб турган. Анкара жанги эса Византия империяси умрини то 1453 йилга қадар тахминан яна 50 йилга узайтирган.

Мазкур мактубда Константинополь билан бирга Пера¹² шаҳри ҳақида ҳам сўз боради.

Усмонийларга қарши коалицияла йирик Европа давлатлари қаторида Пера шаҳри алоҳида иштирок этади. Тўтган географик ўрни жиҳатидан савдо учун қўлай бўлган бу шаҳар Амир Темур билан бўлган муносабатларда энг аввало савдо-иқтисодий манфаатни кўзлаган кўринади. Генуялик тожир Жакомо де Орадонинг Венецияга ёзган мактубида Амир Темурнинг эчилиги ҳақида маълумот учрайди. Крит оролидан 1401 йилнинг сентябрида ёзилган бу мактубда хабар берилганича, Перага 1401 йилнинг 19 августида Генуяга¹³ қарашли кемада Амир Темурнинг икки элчиси келган, улар орасида Доминикан¹⁴ роҳиб Франциск ҳам бўлган. Ва энг асосийси, мазкур эчилик юнонларни Боязид билан келишувларидан воз кечириб мақсади билан келганлиги таъкидланган.

Орадо Перанинг эчиларга берган жавобидан беҳабар эканлигини таъкидлаган. Лекин тарихчи Гиоргио Стелланинг ёзишича, Перадаги генуяликлар¹⁵ Амир Темур байроғини унга ҳурмат ва хай-

¹² Пера — Константинополь музофотида оид шаҳар эди. Кейинги даврларда Истанбулнинг Европа қисмидаги ноҳияси сифатида Бейўғлу номи билан атала бошлаган.

¹³ Генуя — Италиянинг шимолида жойлашган порт шаҳар. Тарихда Қора денгиз соҳилларида кўптаб савдо факторияларига эга бўлган. 1266 йилда Оқ Урда хони Мангу хон (1267—1280) генуяликларга Кафа (Феодосия)га эгаллик қилиш ҳуқуқини берган. XIV—XV асрларнинг бошларида келиб, Генуя савдо факториялари Кавказ ва Қримга қарашли Қора денгиз бўйи аҳоли пунктларида пайдо бўлган. Бу пунктлар мустамлака сифатида Қора денгиз бўйидаги генуяликлар маркази бўлган Кафага бўйсунган. XIV аср охириларида Кафа Европа ва Осиё савдо йўлидаги омбухонага айланган эди // *Қарағ*: БСЭ, Т. 10

¹⁴ Доминикан ордени — 1215 йилда кастилиялик эрдаци Доминик Гусман (1170—1221) томонидан асос солинган. Христиан черковига муҳолифатда бўлган диний оқимлар ҳаракатига қарши ташкил этилган роҳиблик ордени. Рим папасига бўйсунган // *Қарағ*: БСЭ, Т. 15

¹⁵ Маълумки, 1204—1261 йиллар мобайнида Европа рибатларидан иборат қўшма армия Византия ҳудудида ҳукмронлик қилган эди (ассосан, латин тилига асосланган тилларга галирувчи давлатларнинг рибатлари ташкил қилганлиги боис, юнонлар исда эса Генуя (айниқса, 1258 йил 24 июнда рўй берган жангда) катта жонбозлик

рихоқлик белгиси сифатида шаҳар узра кўтарганлар¹⁶. Бундан ташқари, Перанинг жавоби ижобий эканлиги Амир Темур Византия императорига ёзган мактубида ўлпон тўлови борасидаги сўзларидан ҳам кўриниб турибди. Таъкидлаш жоизки, Жакомо де Орадо ўз мактубида «юнонларни Боязид билан келишувларидан воз кечириш» дея, Византия маглубиятлардан сўнг Константинопол қалъаси ичида қолгани ва усмонийларга ўлпон тўлаш мажбуриятини олганлигини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Темур давлатининг Франция билан муносабатлари ҳам, асосан, Темур ва Боязид ораларидаги инзо билан боғлиқ ҳолда кечган эди.

Амир Темур номидан Франция қироли Карл VI Валуа (1380—1422) номига ёзилган икки мактуб ва қиролининг Амир Темурга йўллаган жавоб мактуби бизнинг давргача етиб келган¹⁷.

Биринчи мактубни Амир Темур қисқа саломлашувдан сўнг роҳиб Францискнинг қирол мактуби билан етиб келганлиги ҳақидаги хабар билан бошлайди. Франция қиролининг ҳарбий юриши ҳақидаги хабарлардан воқиф бўлганини ҳам таъкидлайди. Мактубнинг асосий матлаби — Амир Темурнинг Карл VI билан тез-тез ёзма мулоқотлар олиб бориш ва икки мамлакат савдогарларининг қатновини йўлга қўйиш борасидаги орзу-истакларидан иборатдир. Мактубда ҳижрий 805 йил муҳаррам ойининг биринчи куни (1402 йил 1 август) тарихи қўйилган.

Анқара жангидан сўнг битилган ушбу мактубда жанг ҳақида эслатилмайди.

Карл VI номига битилган иккинчи мактубда эса муқаддимадан сўнг Франциядан хабарларни келтирган архиепископ Иоанн¹⁸ ва роҳиб Францисклар номи тилга олинади.

Анқара жангида қўлга киритилган ғалаба мактубда марказий ўринни эгаллайди. Мактуб нитиҳосида биринчи мактубдаги сингари савдогарлар қатновини йўлга қўйиш истаги билдирилади. Бу мактуб охирида ҳам аввалгиси сингари ҳижрий 805 йил муҳаррам ойининг биринчи кун тарихи қўйилган.

Франция қироли Амир Темурга жавоб йўллар экан, архиепископ Иоанн номини тилга олади ва у орқали усмонийлар билан бўлган жангда қўлга киритилган ғалаба ҳақида хабар топганини маълум қилади. Таъкидлаш жоизки, мактубда савдо алоқаларини йўлга қў-

кўрсатган. Пойтахт Константинопол ҳам генуяликлар ёрдамида салбиқлардан қайтариб олинган. Византия императори Михаил VIII Палеолог (1261—1282) миниатюрчилик белгиси сифатида уларга катта имтиёзлар тақдим этган. Қора денгизда ҳаракат этишлари, хусусан, Қрим сари бемалол сузишлари учун Переда генуяликларга катта жой ажратиб берган. *Қаранг:* Nagel T. Timur der Eroberer und die Islamische Welt des späten Mittelalters. Muenchen, 1993. S. 281.

¹⁶ Knobler A. The Rise of Timur and Western Diplomatic Response, 1390—1405. *Journal of the Royal Asiatic Society*, 3rd ser., 5, 1995. P. 343.

¹⁷ Умняков И. И. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы. С. 177—183; Қиличев Р., Ҳолбеков М. Амир Темурнинг Оврупо қироллари билан ёзишмалари//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993 йил, 28 май.

¹⁸ *Иоанн Галонифонтибус* — Ватикан номидан католик мазҳабининг вакили сифатида Султонияда фаолият олиб борган епископ. Амир Темурнинг Европа билан муносабатларида дипломатик миссияларни адо этган. У ҳақида *қаранг:* Гарди Л. Предисловие, Иоанн Галонифонтибус. Сведения о народах Кавказа (1404 г.). Баку, 1980.

йинш мавзусига кўпроқ эътибор берилган. Мактуб нитиҳосида эса насроний фуқарога мурувват кўрсатаётган учун Карл VI Амир Темурга ўз миннатдорчилигини билдиради. Мактуб 1403 йилнинг 15 июнида битилган.

Темур давлати ва Усмонийлар султонлиги ораларидаги низо Англияни ҳам бефарқ қолдирмаган эди. Қирол Генрих IV Ланкастер (1399—1413)нинг Амир Темур номига йўллаган лотин тилидаги мактуби сақланиб қолган¹⁹. Франция билан ёзишмалар снгари, ушбу номанинг асосий мавзусини савдо алоқалари ва Анқара жанги мавзуси ташкил этади. Англия қироли ўз мактубида Амир Темурнинг мактуби архиепископ Иоани орқали саройга етиб келгани ҳақида ёзади. Шунингдек, қирол Франческо Сатру номини ҳам тилга олиб, ушбу шахс орқали илгари Амир Темурга йўллаган хабарларни ва тижорий алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги истакларини маълум қилганлиги ҳақида ёзади. Мактуб матнида маълум бўладики, илгари ҳам Амир Темур ва Генрих IV ораларида муносабатлар бўлиб турган. Бу муносабатларда дипломатик миссияни Франческо Сатру адо этган. Юқорида кўриб чиқилган ёзишмаларда кўриниб турганидек, 1402 йил июлига қадар асосий дипломатик миссияларни мазкур Франческо адо этган. Инакомо де Орадо мактубидаги 1401 йил августида Перага келган элчилик таркибида, Амир Темурнинг Византия, Францияга йўллаган мактубларида, Франция ва Англия қиролларининг жавобларида элчи сифатида Франческонинг номини учраши шунинг кўрсатадики, Франческо Усмонийлар давлати билан бўладиган тўқнашувдан аввал Амир Темур томонидан Европа қироллари ҳузурига элчи этиб йўлланган. 1401 йил августида унинг Перага бўлган ташрифи Англия ва Франциядан олдин амалга оширилгани ёки кейинки, бунини айтиш қийин. Лекин бу воқеадан тақрибан тўққиз ой сўнг, 1402 йил 15 майида Византияга йўллаган мактубида Амир Темур Франческонинг қайтгани ҳақида эслатиб ўтади.

Иоани Галонифонтибус эса сўнгги мулоқотларда элчиликни бошқарган. Амир Темур ва Англия, Франция қироллари ораларидаги ёзишмаларнинг форс тилидан лотинга ва лотиндан форсийга таржималарини ҳам ўзи амалга оширган. Мавриди келганда, шунинг эслатиш жонки, Иоанининг Францияга ташрифоти ҳақида «Chronographia regum Francorum» (Франклар фаолияти хронографияси) солномасида ҳам маълумотлар учрайди²⁰. Унда 1403 йилнинг май ойида Иоанининг Парижга етиб келгани, қирол томонида қабули, ташрифотнинг мақсади кабилар ҳақида ҳикоя қилинади. Бундан ташқари, мазкур солномада Иоанининг Амир Темур ҳақида француз тилида бир асар ҳозирлаганлиги қайд этилади. Франклар хронографиясида «Memoire sur Tamerlan et sa cour» (Темур ва саройи ҳақида хотиралар) асари ҳақида сўз бормоқда²¹. Иоанининг 24 бўлимдан иборат бу асари номидан кўриниб турганидек, Амир Темур шахси ва давлати ҳақида анча муҳим маълумотларни қамраб олган. Хусусан, асардаги «Темурбек ҳокимияти остидаги ҳудуд ва шаҳарларда ўрнатилган тартиб-

¹⁹ Умняков И. И. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы. С. 187—189.

²⁰ Его же. Малоизвестный французский источник о Тимуре//Труды Самаркандского государственного университета. Вып. 101. С. 199.

²¹ Уша асар.

лар» мавзуидаги XIX бўлимда бу мақоламиз мавзусига алоқадор қуйидаги қизиқ маълумотларни учратамиз:

«...У (Амир Темур) мамнуният билан хорижий савдогарлар билан мулоқот қилади, уларга ҳомийлик қилади, ёрдам кўрсатади, айниқса мамлакат ҳудудида насронийлар ва фараңларнинг хавфсизлигини таъминлаб туради. Кўпгина ерларда қонунсиз олинаётган бож ва солиқларни бекор қилди... У савдогарлар хавфсизлигини катта тадбиркорлик билан таъминлади: Агар унинг (Амир Темурнинг) мамлакатининг қайси ерида бўлишидан қатъий назар бирор савдогарнинг моли ғорат қилинишига йўл қўйилса, шу ер ҳокими савдогарга таланган молининг икки баробарини, Темур хазинасига эса беш баробарини жарима сифатида тўлаши лозим эди. Бу фармон ижросини (назорат қилиш) бўйича барча ерларга мансабдор шахсларни тайинлаб адолатни барқарор этиб туради...» Мазкур асарнинг «Темурбекнинг дини ва эътиқоди» номли XXII бўлимида қуйидаги сатрларга дуч келамиз:

«У хорижликларга илтифот кўрсатади, у насронийлар, айниқса, фараңларга нисбатан зўравонлик қилинишига йўл қўймайди. У ўз мамлакатада уларнинг эркин кун кечирншларини таъминлаган ва уларга у ердаги қонунлардан фойдаланишга, черковлар қуришга ва айниқса, савдогарларга хизматларини худди насроний халқларникидек адо этишларига имкон беради...»²².

Иоани Галонифонтибус қаламига яна бир асар мансуб. Бу «*Libellus de notitia orbis*» (Дунёни билишда маълумотнома китоб) асаридир. Унда муҳим маълумотлар қаторида Шарқда яшовчи бир қанча миллат ва элатларнинг номини келтиради. Иоани қаламига мансуб асарлардан, биринчидан, унинг шахси ва фаолият кўлами ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Иккинчидан, бу даврда католик орденларининг Шарқ билан алоқа боғлашга қанчалар ҳаракат қилгани кўришиб туради.

Темур давлатининг Арагон²³ ва Кастилия қиролликлари билан олиб борган муносабатлари тарихи ҳам ғоят сермазмундир. Мазкур қиролликлар бошқа Европа давлатлари сингари Амир Темурнинг ғарб сафарини синчковлик билан кузатган эдилар. Амирнинг биринкетин истилолари ҳақидаги хабарлар эса Арагон қироллигининг Дамашқ ва Александриядаги Антонио Амеллер исмли консули воситасида келиб турган²⁴.

1402 йил кузда Арагон қироллигига Византиянинг Константин Раллис Палеолог бошчилигидаги элчилар ташриф буюрган эди. Арагон қироли Марти Византия императорига ёзган хатида ўртаосиёлик

²² Уша асар.

²³ Арагон — шимол-шарқий Испаниядаги тарихий вилоят. Арагон қироллиги XI асрда испанларнинг арабларга қарши кураши (Реконкиста. VIII—XV асрлар) давомида пайдо бўлди. Қирол Алфонс I (1104—1134) 1118 йилда араблардан Сарагосани олиб қўйди ва уни пойтахт қилди. Алфонс II (1162—1196) даврида Арагон янада кенгайди. 1167 йилда Прованса, 1229—1235 йиллар Балеар ороллари, Валенсия қўлга киритилди. Педро III (1276—1285) 1280 йилда Тунис, 1282—1284 йилларда Сицилияни қўлга киритди. 1326 йилда Арагонга Сардиния, 1442 йилда Неапол қўшилди. Изабелла Кастильская ва Фердинанд Арагонскийлар никоҳи (1469) муносабати билан 1479 йилда Арагон ва Кастилия бирикиб, яхлит Испания давлати ташкил топди.

²⁴ K n o b l e r A. The Rise... P. 345.

хукмдор борасида ўзининг салбий фикрларини билдиради. Кастилия²⁵ қироли Эрике III ва Бенедикт XIII ларга йўлланган мактублар ҳам шу каби ҳиссиёт билан ёзилган. Лекин, кўп ўтмай Арагон қиролининг фикрлари тамомилан ўзгаради. У ўзининг Византия императори Мануил II Палеологга 1403 йилнинг июнида ёзган хатида уни Усмонийлар давлатининг мағлубияти билан табриклайди. 1404 йилда эса Султониянинг номи юқорида зикр этилган архиепископи Иоани воситасида Франция қироли Карл VI ва Англия қироли Генрих IV лар қаторида темурийлар саройини ғалаба билан қутлайди²⁶.

Темур давлати ва Кастилия орасидаги муносабатлар ҳам мазмунли кечган эди. Кастилия қироли Эрике III де Трастамара (1390—1407) ҳам Европанинг бошқа хукмдорлари сингари Амир Темур ва Боязид Гилдирим ораларида кечаётган воқеаларни синчковлик билан кузатган. Темур ғалабаси билан яқуллаган Анқара жангидан сўнг Эрике III томонидан биринчи элчилик Амир Темур томонидан Кичик Осиёда қабул қилинади. Таркиби Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуелос исмли элчилардан иборат бу гуруҳ қирол номидан Амир Темурни ғалаба билан табриклаган. Бу элчиларга жавобан Амир Темур Муҳаммад ал-Кеший²⁷ исмли ўз элчисини Кастилия қироли ҳузурига мактуб ва турли ҳадялар билан жўнатади. Ўз мактубида Амир Темур Кастилия қиролини Анқара жангида эришилган ғалабадан хабардор этади²⁸.

Муҳаммад ал-Кеший бошланқ элчиларга жавобан Кастилия қироли яна бир элчиликни Амир Темур ҳузурига йўллайди. Бу элчиларга бош этиб Рун Гонсалес де Клавихо тайинланади. 1404 йилнинг сентябрида бу элчилар Амир Темур томонидан Самарқандда қабул қилинади ва қирол Эрикенинг мактуби топширилади. Афсуски, бу мактуб ва ҳатто унинг нусхаси ҳам сақланиб қолмаган. Бинобарин, Кастилиянинг матлаб ва мақсадлари ҳақида аниқ маълумотдан маҳрум қоламиз.

Рун Гонсалес де Клавихога келсак, у элчилик миссиясини жуда олий даражада адо этган. Бу сафар натижасида, кейинчалик, дунёга донғи кетган асар ҳам битган эди²⁹. Де Клавихо уни Амир Темур ва Эрике ораларидаги аввалги элчилик мубодаласи ҳақидаги маълумотлар билан бошлаб, кейин сафар тафсилотларини баён қилади. Йўлдаги манзиллар, у ерлардаги ўзига хосликлар, муайян ҳудуд ёки қавм билан боғлиқ тарихга саёҳат, Амир Темур давлатидаги тартиб-қондалар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтиради. Ўзи элчи

²⁵ Кастилия — Пиреней ярим оролидаги қироллик (XI—XV асрлар). VIII асрда мазкур ярим орол шимолидаги кичик бир вилоят эди. 1035 йилда қироллик барпо этилиб, арабларга қарши жангларда (реконкистада) катта роль ўйнаган. 1230 йилда Леон қироллиги билан бириктиб, қудратли давлатга айланган. 1085 йилда Толедо, 1236 йилда Кордова, 1248 йилда Севилья, 1262 йилда Кадис Кастилияга қўшиб олинди. Шу тариқа XIII аср ўрталарига келиб, Кастилия чегаралари Испаниянинг жанубий қирғоқларига қадар берди. Арагон билан бириктиши борасида 23-пизоҳга қараи.

²⁶ Knobler A. The Rise... P. 346.

²⁷ Муҳаммад ал-Кеший. Бу шахсини исбаси адабиётларда турли шаклда учрайди. Бу борада қараи: Маннонов Б. Амир Темур дипломатияси//Шарқшунослик, 7-сон, Тошкент, 1996.

²⁸ Қиличев Р., Ҳолбеков М. Амир Темурнинг Оврупо қироллари билан ёзишмалари//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993 йил, 28 май.

²⁹ Рун Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406)/Пер. предисл. и коммент. И. С. Мироковой. М., 1990.

бўлгани билан, Клавихо элчиларини қабул қилиши маросими, элчилик хизмати билан боғлиқ масалаларини жуда тафсилотли баён этган. Асардан яна маълум бўладики, бу элчилар Соҳибқирон томонидан олий даражада кутиб олинган.

Тарихий асарларда Темур ва Хиос³⁰ генуяликларини ўртасидаги муносабат ҳақида қисқа бўлса-да, маълумотлар учрайди. Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг «Зафарнома» асарларида Измир истилосидан кейинги воқеалар тафсиلى баён этилар экан, фаранглар улугларидан Соқиз оролига ҳоким бўлиб турган Субаҳ³¹ исмли ҳукмдор номидан элчи келгани ва иттифод билдириши билан бирга жузья тўлашни ўз зиммасига олишини маълум қилгани ҳақида маълумотлар битилган. Инглиз олимми Адам Ноблер мазкур асарларда эслатилган Соқиз оролини Хиос ороли билан тенглаштиради.

Кичик Осиёнинг жануби-ғарбидаги Амир Темур қўлга киритган галабаларини кўрган Хиос ороли ҳокими аввалдан бундай ҳимоя йўлини излагани, иккинчи томондан, келажакда Темур давлати билан савдо алоқаларини йўлга қўйиши ва албатта Хитой — Урта ер денгизи транзит йўлида эркин ҳаракат кафолати илнжида ҳам мазкур миссияни йўллагани кўринади.

Амир Темур давлати ва Европа муносабатлари мавзуси кўтарилар экан, Амир Темур ва Шарқий Европа муносабатлари масаласига ҳам эътиборини қаратиш зарур. Бу муносабатлар Темур давлатининг шимол қўшиниси Олтин Урда билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошган. 1395 йилда Амир Темур билан бўлган жангда Тўхтамишхон енгилди. Тўхтамишхоннинг бундан кейинги фаолияти ҳақида Амир Темур тарихига доир асарларда деярли эсланмайди. Фақат 1404 йил қиш мавсумида Тўхтамишхон элчиси Қора Хўжанинг Утрорда Амир Темур томонидан қабул этилганлиги ҳақида маълумотини учратамиз³². Аслида, 1395 йилдан кейин Тўхтамишхон билан боғлиқ воқеалар қизиқ кечган. Маълумки, Амир Темур Тўхтамишхонни мағлуб этгач, Олтин Урда тахтига чингизийлар сулоласига мансуб Темур Қутлугни қон этиб тайинлаган. Тўхтамишхон бу мағлубиятдан сўнг Литва қироллигига илтижо этган. Бу даврда жануби-ғарбий Россия, Украина ва Белоруссия Литва қироллиги билан бирлашган эди. Бу даврда кучли нуфузга эга бўлган Тевтон ордени³³ Польшани ҳам қатта хавф ости-

³⁰ *Хиос* — Эгей денгизида Кичик Осиёнинг ҳарбий қирғоқлари яқинидаги орол. Эраминининг I асри иккинчи ярмида Рим ҳукмронлиги остига, кейинчалик эса, Византия империяси иштироғига ўтди. 1304 йилда генуялик номдор сулолаларнинг бирига феодал тартиқасида бериб юборилган. 1346 йилда Генуяга бўйсунган. 1566 йилда Хиосни Усмонийлар давлати истило этган. 1912 йилдан эътиборан Юнонистон таркибида// *Қаранг:* БСЭ. Т. 42.

³¹ Шарафиддин Али Яздийда Субаҳ (869-бет), Низомиддин Шомийда Сата (347-бет) шаклида келади.

³² Шарафуддин Али Яздий. *Зафарнома*. Нашрга тайёрлаш, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Уринбоевники. Тошкент, 1972. 953-бет.

³³ *Тевтон ордени* — католик мазҳабидаги рицарлик ордени. XIII—XIV асрларда Шарқий Европада феодал-католик агрессияни амалга оширган немис рицарлигининг ҳарбий ташкилоти. Бу орден XII асрда салб юришлари даврида Фаластинда пайдо бўлган. Аввалига Иоанитлар орденининг бўлими эди. 1199 йилда Рим папаси томонидан таъинлиб, алоҳида орден сифатида ажралиб чиққан. XIII аср бошида Тевтон ордени ўз фаолиятини Европага аввал Трансилванияга, кейинчалик Польшага кўчирган// *Қаранг:* БСЭ. Т. 42.

да қолдираётган эди. Мазкур орден хуружидан ҳимояланиш учун Польша ўзига ҳамкор ахтараётган эди. Бу ҳол ўз навбатида Польшани ўша даврда қудрати билан машҳур бўлган Литва князлиги билан яқинлашувига олиб келди. Польша қироли Людовикнинг қизи Ядвиганинг Литва князи Ягайло (1377—1434) билан никоҳланиши натижасида 1385 йилда Польша—Литва иттифоқи тузилганлиги ҳақида битим имзоланди. Ягайло ўз амакиваччаси Витовтга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб, унинг нуфузини Қримнинг ғарбига қадар кенгайтиришга муваффақ бўлди. Днепр дарёси бўйидаги ҳудудлар уларнинг ихтиёрига ўтиб қолди. Тарихчи Заки Валидий Тўғоннинг ёзишича, Амир Темур Йилдирим Боязид (1389—1402)га 1396 йилнинг баҳорида ёзган хатида Тўхтамишни Литва қироллигидан паноҳ топгани ҳақида хабар берган ва бу Рус, Литва ва Польша иттифоқини «Днепр дарёси ортидаги фаранглар» деб атаган. Бундан ташқари, Темур Тўхтамишни Литвадан паноҳ топиши ўзи учун ҳам Боязид учун ҳам катта хавф туғдиражагини маълум қилиб, «Днепр дарёси ортидаги фаранг кўффорлари билан ғазо ва жиҳод қилиш зарурати туғилмоқда, биз бу тарафдан, дўстимиз эса у тарафдан душманни бартараф этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилмоғимиз лозим ва бу ишларда муваффақият сизга боғлиқ қолмоқда» деб ёзади. Аммо, бу мактуб бенаф кетган эди (Амир Темур ва Боязид ўзаро низога бориб, бу муносабатлар 1402 йилда Анқара жанги билан якунланган).

Тўхтамишхон Олтин Урдадаги Темур Қутлуг ва Мангит сулоласидан бўлган Едугелар ҳукмронлигига қарши насроний давлатлар ёрдамидан фойдаланиб, тахтни қайтариб олиш тадорикини кўра бошлади. Князь Витовт Тўхтамишни мудофаа баҳонаси билан Темур Қутлуг билан бўладиган жангга тайёргарлик кўрди. Тўхтамишхон билан аҳдинома тузиб, Москва князлигига тобе ҳудудлар унга берилишини келишиб олди. Болтиқбўйи олмонлари ва молдавияликларни ёрдамга чақириб, ҳатто Рим папаси Бонифаций IX дан хонларга қарши «салб юриши» дея ижозат (4 май 1399) ҳам олди³⁴. Аммо, бу салб юриши муваффақиятсиз якунланди. Днепр дарёсининг жанубий irmoғи бўлган Ворскла дарёси бўйида, 1399 йилнинг 12 августда бўлиб ўтган жангда Тўхтамишхон, князь Витовт ва иттифоқчилари мағлубиятга учрадилар³⁵.

Рун Гонсалес де Клавихо кундалигининг ноширларидан бири И. Мирокова таъкидлаганидек, испанияликларнинг ўша даврдаги Шарққа бўлган қизиқиши, бир томондан, савдо алоқаларини йўлга қўйиш мақсади билан асосланса, бошқа томондан, Амир Темур Кичик Осиёдан сўнг агар Европа сари ҳаракат қиладиган бўлса, олдиндан яхши муносабатларни йўлга қўйиб олиш мақсади билан асосланиши мумкин³⁶. Юқоридаги келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бу фикрлар фақат испан қиролликлари учун эмас, балки бошқа кўнгини Ғарбий Европа давлатларига ҳам алоқадордир.

³⁴ Togan Z. V. Umumi turk tarihine girish. Cild I. Istanbul, 1981. S. 360; Togan Z. V. Timurs Osteuropapolitik. Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft. Band 108. Wiesbaden, 1958.

³⁵ Togan Z. V. Timurs Osteuropapolitik. ZDMG. S. 293.

³⁶ Рун Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406). С. 6.

Кўриниб турганидек, мактубларнинг аксариятида олдинроқ олиб борилган ёзишмалар ҳақида ҳам сўз боради. Лекин улар ҳақида фақат эслатилади, холос. Уша мактублар бизнинг даврларгача етиб келганда эди, мавзунмиз борасида янада кенгроқ тасаввурга эга бўлган бўларди.

С. Гулямов

ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ СНОШЕНИЯ ГОСУДАРСТВА АМИРА ТЕМУРА СО СТРАНАМИ ЕВРОПЫ

В данной статье затронуты вопросы о причинах, способствовавших налаживанию дипломатических сношений государства Амира Темура с западными странами, и об их результатах. Речь также идет о диалоге между Самаркандом и городами-государствами Средиземноморья, имевшем огромное значение в торговых сношениях.

Параллельно рассматривается роль католических миссионеров на Востоке в дипломатических сношениях того времени.

S. Gulomov

DIPLOMATIC RELATIONS OF STATE OF AMIR TIMUR WITH THE WESTERN COUNTRIES

The questions of causes which were conducive to adjusting of diplomatic relations State of Amir Timur with the western states and their results are opened in this article. The talk turns also to dialogue between Samarkand and Mediterranean cities-states which were authoritative in trade relations.

Simultaneously, made an accent on part of catholic missionaries in the East in diplomatic relations of that period.

Ш. Саидов

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФИНЛЯНДИЯ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

(1920—1924 йй.)

Хоразм Халқ Совет Республикаси 1920 йил 2 февралда Хива хонлиги ағдариб ташланганидан кейин ташкил топди. 1920 йил 27—30 апрель кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтган I Бутун Хоразм қурултойида Хива хонлиги тугатилиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил топганлиги расмий равишда эълон қилинди. У жуда қисқа муддат, яъни 1920—1924 йилларда мавжуд бўлган бўлишига қарамай, Хоразм миллий ҳукуматининг раҳбарлари мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизиш учун тинмай ҳаракат қилдилар. Россиядаги совет ҳокимияти ХХСР ҳокимиятига бу борада жуда катта қаршиликлар кўрсатди. Гарчи, ХХСР мустақил деб эълон қилинган бўлишига қарамай, совет ҳокимияти нафақат сиёсий жиҳатдан, балки иқтисодий соҳада ҳам жиддий тазйиқлар ўтказиб, сунъий тўсиқлар вужудга келтириб турди. Шунга қарамасдан Хоразм ҳукумати Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан мустақил савдо-сотик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилди. 1922 йил 29 июнда РСФСР билан тузилган янги иқтисодий шартномада Хоразм Республикаси чет давлатлар билан савдо-сотик алоқаларини олиб бориш имкониятини қўлга киритди. Аммо, бу шартноманинг 6-моддасига мувофиқ Хоразм чет давлатлар билан фақат Россия ҳукуматининг руҳсати билангина савдо алоқаларини ўрнатиши мумкинлиги алоҳида қайд қилинган. Шу тариқа ХХСР таш-

қи савдо алоқаларини йўлга қўйиш имконини қўлга киритса-да, бу алоқалари бевосита Россия томонидан пазорат қилинадиган бўлди. Москвада ХХСРнинг савдо ваколатхонаси ташкил этилди. Шундан сўнг ХХСР ҳукумати имконият даражасида ташқи савдо алоқаларини йўлга қўйишга киришди.

1922—1923 йилларда Хоразм Халқ Совет Республикасининг Москвадаги савдо ваколатхонаси ва Москва савдо идораси кенгаши йиғинликларида Фарб давлатлари билан экспорт ва импорт масалалари дегимий равишда кўриб борилди. Бу борада Хоразм Халқ Совет Республикасининг ўша даврда Россиядаги мухтор вакили С. Сафаев, савдо вакили М. Мадёров, савдо ваколатхонасининг тижорат директори Ю. Салимжоновлар фаол иш олиб бордилар.

ХХСРнинг Фарбий Европадаги дастлабки савдо шериги Финляндия бўлди. Фарбий Европа давлатлари билан савдо операцияларини амалга оширишда воситачи ва шерик сифатида ўша даврдаги Финляндиянинг йирик компанияларидан «Трансбалтик» савдо акционерлик жамияти танланди. «Трансбалтик» савдо компанияси Фарбда анча машхур бўлиб, Англия, Германия, Дания ва Франция каби мамлакатларда ўз филиалларига эга эди. Шунинг учун ҳам Финляндиянинг пойтахти Хельсинки шаҳрида Хоразм Халқ Совет Республикаси ва «Трансбалтик» ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартномага мувофиқ «Трансбалтик» компаниясининг бутун бошқаруви, шунингдек, унинг Копенгаген, Гамбург, Лондон ва Париждаги савдо агентлари Хоразмнинг ихтиёрига жалб этилди. Уларга ХХСРдаги экспорт ва импорт товарлар нархининг чет эл бозорларидаги курслари тўғрисида маълумот бериб туриш топширилди¹.

«Трансбалтик» фирмаси билан олиб борилган музокаралар тезда ўз натижасини берди ва 1923 йил 22 февралда Петроград шаҳрида икки томонлама илк мустақил шартнома имзоланди². Шартномага кўра, ХХСРнинг Москвадаги савдо ваколатхонаси «Трансбалтик» фирмасидан металл перолар, қаламлар, ёзув қоғозлари ва бошқа турдаги қоғозлар сотиб олинини режалаштирилган. Маҳсулотлар икки ой муддатга кредит асосида юборилган, тўлов фин валютаси асосида амалга оширилган. Маҳсулотларни Финляндиядан олиб чиқиш кетиш билан боғлиқ ишлар, божхона тўловларини ХХСРнинг Москвадаги савдо ваколатхонаси ўз зиммасига олган.

«Трансбалтик» фирмасининг ХХСРнинг Москва савдо ваколатхонасига берган маълумотномасида кўрсатилишича, металл перолар учун 16—18, қаламлар учун 72—200, ёзув қоғозлари учун 78, бошқа турдаги қоғозларнинг ҳар килограмми учун 2,45 фин маркаси тўланган³. Шартнома бўйича Финляндиядан шу нархларда олиб келинган маҳсулотларнинг умумий қиймати салкам 1 миллион фин маркасини ташкил қилади.

ХХСР ва Финляндиянинг «Трансбалтик» фирмаси ўртасидаги 2-шартнома 1923 йил май ойида Москва шаҳрида имзоланди⁴. Шартномага мувофиқ ХХСР Финляндиядан ёзув қоғозлари (20 000 кг), босмаҳона қоғозлари (10 ўрам), қаламлар, мусулмонча шрифтли ёзув

¹ ЎзР МДА. 70-жамгарма. 1-рўйхат, 57-иш, 11-варақ.

² Ўша архив. 50-иш, 10-варақ.

³ Ўша архив. 70-жамгарма. 1-рўйхат, 50-иш, 8-варақ.

⁴ Ўша жойда. 16-иш, 7-варақ.

машинаси, арра, гўштқиймалагич, фонослар, тикув игналари олинган. Мазкур маҳсулотлар Хоразмга шартномага имзо чекилган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида етказилиб берилган.

Финляндия билан донний савдо алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида, 1923 йил 21—23 июл кунлари Финляндияга тижорат директори Юсуф Салимжонов бошчилигида Хоразмнинг Москвадаги савдо ваколатхонаси аъзоларидан иборат савдо миссияси юборилди⁵. Хоразм савдо миссияси вакиллари Финляндияда кўпгина савдо ташкилотлари, фирмалари билан ўзаро савдо алоқаларини ўрнатиш тўғрисида музокаралар олиб бордилар. Аммо, «Трансбалтик» фирмаси билангина манфаатли савдо битимини имзолашга муваффақ бўлишди.

Ўзаро тузилган шартномага мувофиқ «Трансбалтик» 1923 йил июл ойидаёқ Хоразмга баҳоси 160 минг фин маркаси миқдоридagi 5000 донга турли хўжалик асбоблари (шунингдек, гўштқиймалагич), 100 минг фин маркасига баҳоланган маҳкама ишлари учун мўлжалланган турли хил ўлчамдаги қаламларни жўнатди. Бунга жавобан Хоразм Финляндияга 1000 бош чорва моллари ва шунча миқдорда тайёр арава гилдиракларини жўнатди⁶.

Шундан кейин Хоразм ва Финляндия ўртасида товар айрибошлаш тўхтовсиз равишда ўса бошлади. Финляндия бозори, у орқали Фарбий Европа бозори ёрдамида Хоразм ўз ички бозорининг тайёр маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлай бошлади. Бу даврда Хоразм учун энг муҳим товарлар — техника материаллари, сирланган идишлар, электр-техника асбоблари, қоғоз, маҳкамачилик товарлари, бўёқлар, дори-дармонлар ва тайёр тери маҳсулотлари, галантерея эди⁷.

Аммо, бу алоқалар асосан собиқ СССР Ташқи савдо халқ комиссарлиги воситачилигида олиб борилаётган эди. Бу эса Хоразмнинг Европа мамлакатлари билан савдо муносабатларига жиддий ҳалақит берарди. Хоразм ҳукумати Финляндия билан савдо алоқаларини мустақил олиб бориш мақсадида совет ҳукуматига қатъий талаб қўйди. Шундан кейингина савдо-сотик муносабатларини СССРнинг Финляндиядаги савдо ваколатхонаси орқали тўғридан-тўғри амалга оширилишига ружсат берилди. Бу эса тезда икки томон, яъни Финляндия ва Хоразм учун ҳам ўзининг самарали натижасини берди. Узоқ музокаралардан сўнг 1923 йил 30 августда Хоразм Халқ Совет Республикасининг Москва савдо ваколатхонаси ва Финляндиянинг «Трансбалтик» савдо компанияси ўртасида ўзаро биринчи мустақил, икки томонлама фойдали шартнома имзоланди.

1923—1924 йиллар мобайнида ХХСР томонидан Финляндияга, шунингдек, бошқа Фарб мамлакатларига хом ашё маҳсулотларидан — пахта, беда уруғлари, қоракўл, жун маҳсулотлари, маҳаллий ҳунармандчилик буюмлари, гилдираклар, халатлар, балиқ маҳсулотлари, маҳаллий мой бўёқлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинган.

Маҳсулотларнинг асосий қисми Финляндияга етказиб берилиб, ўрнига биринчи навбатда тайёр саноат маҳсулотлари ҳамда Хоразм халқи эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар олиб келинган.

⁵ ЎзР МДА, 71-жамгарма, 1-рўйхат, 30-иш, 58-варақ.

⁶ ЎзР МДА, 70-жамгарма, 1-рўйхат, 57-иш, 11-варақ.

⁷ ЎзР МДА, 71-жамгарма, 1-рўйхат, 30-иш, 60-варақ.

Юқорида айтиб ўтилганидек, «Трансбалтик» Хоразмнинг Фарбий Европадаги манфаатларини ҳам ифодалаб, турли фирмалар билан Хоразм товарларини сотиш бўйича музокаралар олиб борган. 1923 йил октябрда «Трансбалтик» бошқаруви Хоразм Халқ Совет Республикасининг савдо ваколатхонасига юборган шошилинчномаси (телеграммаси)да шундай дейилади: «Трансбалтик» директори яқинда Лондон ва Париждан хизмат сафаридан келди, унинг маълумотиغا қараганда, у ерларда сизнинг қорақўл ва бошқа маҳсулотларингизга қизиқиш катта»⁸.

Шундан кейин 1923 йил 30 сентябрда Хоразм Халқ Совет Республикасининг Москвадаги савдо ваколатхонаси ваколатхонанинг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Ефим Рафаилович Шульманни Финляндияга юборди. Унга «Финляндияда товарлар экспорти ва импортига алоқадор барча масалалар бўйича ҳамкорликда ишлаш, шунингдек, келажакдаги шартномавий муносабатлар шартларини аниқлаш ва белгилаш» каби вазифалар топширилди⁹. Лекин, ХХСР тугатилиши натижасида ривожланиб бораётган Финляндия — ХХСР савдо алоқаларига орадан бир йил ўтиши билан чек қўйилди.

Шундай қилиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси жуда қисқа муддат ичида Фарбий Европанинг илғор мамлакатларидан бўлган Финляндия билан изчил савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатди ва бу борада бирмунча натижаларга ҳам эришди. Совет Россияси томонидан ўрнатилган турли иқтисодий, сиёсий тўсиқларга қарамай, Хоразм ҳукумати-нинг айрим ватанпарвар вакиллари-нинг жонбозлиги туфайли Хоразм Халқ Совет Республикаси жаҳон бозорига чиқиб, Фарбий Европадаги илғор давлатлар билан тенг шерикчилик асосида савдо муносабатларини ўрнатишга муваффақ бўлди. ХХСРда мустақил ташқи иқтисодий алоқалар олиб бориш учун шароит етарли эди, бироқ уларни ривожлантириш учун имконият берилмади. ХХСР хорижий давлатлар билан фақатгина савдо алоқаларини йўлга қўйди. Бу ҳам дастлаб Россия орқали, 1923 йилдангина Россиядаги ХХСР ваколатхонаси орқали йўлга қўйилди. Лекин, бу алоқалар бор-йўги бир йилдан ортиқроқ олиб борилди, холос. 1924 йилда Урта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказиш баҳонасида ХХСР тугатилди.

⁸ Уша жойда, 18-варақ.

⁹ ЎзР МДА, 71-жамгарма, 1-рўйхат, 57-иш, 19-варақ.

Ш. Саидов

ИЗ ИСТОРИИ ТОРГОВЫХ СНОШЕНИИ ХХСР С ФИНЛЯНДИЕЙ
(1920—1924 гг.)

В статье на основе новых архивных материалов освещаются торговые сношения Хорезмской Народной Республики с европейскими странами, в том числе с Финляндией.

Sh. Saidov

FROM THE HISTORY OF TRADE NEGOTIATION OF KFSR WITH FINLAND
(in 1920—1924 years)

KFSR was founded in 27 April, 1920 in the result of Liquidation of Hioian Kingdom.

In the years of existing (1920—1924 years) KFSR led trade negotiations with many countries of Asia, also with Finland.

Манба ва талқин

У. Абдурасулов

НОВЫЙ ИСТОЧНИК ПО СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА КОНЦА XVIII ВЕКА

Несмотря на существенные успехи отечественной востоковедческой и исторической наук в последние годы, в области научных разработок политической и социально-экономической истории периода позднего средневековья остается ряд вопросов, требующих существенных доработок. Одним из таких моментов является социально-экономическая история Хивинского ханства в XVIII в.

Важным пособием по изучению истории Хивинского ханства XVIII в. до недавнего времени являлся труд Н. И. Веселовского¹, основанный, главным образом, на данных русских и европейских путешественников. Практически не задействованы местные источники. Кроме того, автор описывает политическую и династийную историю ханства, оставляя без внимания вопросы социально-экономической жизни.

Между тем важный перечень данных содержится в исторических сочинениях, написанных местными авторами. Например, исторические хроники придворных хивинских историков Муниса и Агахи «Фирдавс ал-икбол», являющиеся «главнейшим источником по истории Хивинского ханства XVII—XIX»². Несмотря на присущую аналогичным нарративным источникам тенденциозность и односторонность при описании событий, данный труд содержит весьма ценные сведения по политической истории ханства. Факты же социально-экономического плана зачастую носят эпизодический характер и скрыты среди материала совсем иного рода, как то: описания сражений, ханских охот, что требует скрупулезной проработки текста. Существенно облегчило изучение данного источника издание критического текста³, а затем и его перевод на английский язык⁴, выполненные американским ученым Ю. Э. Брегелем.

Архив хивинских ханов, обнаруженный в 1936 г. П. П. Ивановым в фондах Государственной публичной библиотеки им. М. Е. Салтыкова-Щедрина, позволил ввести в научный оборот значительное количество официальных документальных источников, существенно расширив возможности исследования социально-политической истории Хивинского ханства. На основе исследования документов этого архи-

¹ Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего времени. СПб., 1877.

² Иванов П. П. Архив хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. Л., 1940. С. 15.

³ Shir Muhammad Munis and Muhammad Rizo Agehi. Firdaws al-iqbal, edited by Y. Bregel. Leiden, New York, Köln, 1988.

⁴ Shir Muhammad Munis and Muhammad Rizo Agehi. Firdaws al-iqbal, translated from chaghatay by Y. Bregel. Leiden, New York, Köln, 1999.

2003

ва был опубликован ряд фундаментальных трудов⁵, в которых детально рассматриваются вопросы аграрных отношений, налогового устройства, соотношения различных категорий землевладения и землепользования Хивинского ханства XIX столетия.

Данная работа была успешно продолжена узбекскими учеными, в частности М. Ю. Юлдашевым⁶, а позднее А. Шайховой⁷, А. Б. Вильдановой⁸ и др. Работы этих ученых позволили в значительной мере воссоздать картину социально-экономической истории Хивинского ханства XIX в.

И все же социально-политическая история Хивинского ханства XVIII в. остается пока недостаточно изученной. Причина слабой работанности данной тематики объясняется в том числе и недостаточным привлечением официальных документальных источников, датированных XVIII столетием.

Весной 2001 г. совместной научной группой сотрудников Института истории АН РУз и Национального общества молодых ученых Узбекистана под руководством Э. Э. Каримова в архивах рукописного фонда музея-заповедника «Ичан-кальа» (г. Хива) и на руках у местных жителей была обнаружена уникальная коллекция рукописных исторических документов, датированных XVII — началом XX в.⁹ Основу «хивинской» коллекции составили документы типа вакфома, казихаты и ханские ярлыки. Тщательное изучение документов данного архива даст ценный материал по исследованию малозученных аспектов социально-экономической и хозяйственной жизни Хивинского ханства, в том числе XVIII в. Однако это вопрос ближайшей перспективы.

Представленный в настоящей статье документ обнаружен автором в ходе работы в фондах Центрального государственного архива РУз¹⁰. Документ, датированный 1206 г. х./1791 г., представляет собой ярлык хивинского хана Абу-л-Музаффар ва-л Мансур Сайид Абу-л-гази Мухаммад Бахадира, известного так же в исторической литературе как Абулгази-хан IV (1204/1790—1217/1802). Правление этого хана носило номинальный характер, фактическая власть в тот период находилась в руках представителя племени Кунграт Аваз-инака.

Язык и стиль написания данного документа носят официальный характер, по своей структуре он практически не отличается от ханских ярлыков Хивинского ханства XIX в.

Политика централизации политической власти, проводившаяся первыми кунгратами, повлекла за собой изменение структуры земле-

⁵ Иванов П. П. Архив хивинских ханов XIX в. Л., 1940; Брегель Ю. Э. Хорезмские туркмены в XIX в., М., 1961.

⁶ Юлдашев М. Ю. К истории крестьян Хивы XIX в. Ташкент, 1966.

⁷ Шайхова А. Новые документы об образовании мулков хивинских ханов // ОНУ. 1988. № 11. С. 44—47; Документы об аренде вакфных земель в Хивинском ханстве XIX — начала XX века // ОНУ. 1986. № 1. С. 48—51.

⁸ Вильданова А. Б. К изучению документов из фондов Института востоковедения АН РУз // ОНУ. 1995. № 1—2—3.

⁹ Karimov E. E. New collection of written sources on Khorazm's history of the XVIII — the beginning of XX century. UNESCO International Symposium on the Silk Roads, Xian Jiao Tong University, 2002. P. 193—197; Каримов Э. Э., Абдурашулов У. А. Ханские ярлыки как источник по изучению Хивинского ханства // Узбекистан в средние века: история и культура. Ташкент, 2003. С. 133—138.

¹⁰ ЦГА РУз, ф. № И-125, оп. 2, д. 6, л. 1.

владения в ханстве. С началом ликвидации оппозиционной племенной знати стала исчезать и децентрализация земельной собственности, характерной для Хивы на всем протяжении ее предшествующего существования¹¹. Большие земельные наделы, конфискованные у оппозиционных группировок, были включены в состав государственных земель («мамлака-и подшохи») или же в состав личных удельных земель хана («араз-и хоссе-и султони»). Именно из состава этих категорий земель хан выдавал земли в виде пожалования или продавал своим приближенным.

Некоторое затруднение в ходе работы над текстом данного ярлыка вызвало определение значения термина «хоссе-и шариф» как категории землевладения, из состава которой ханом продавалась земля. П. П. Иванов объясняет значение термина «хоссе» как категории общегосударственных земель¹². И. П. Петрушевский, в свою очередь, дает определение терминам «хоссе» и «хоссе-йи шариф» как частным земельным владениям ханской семьи¹³. Исходя из контекста данного документа, можно предположить, что в этом ярлыке под значением «хоссе-и шариф» следует понимать частные земельные владения хана.

Интерес представляет и используемая в тексте документа мотивировка продажи земли «для вознаграждения нукеров». Как известно, институт нукерства был достаточно широко распространен во всех среднеазиатских ханствах. В Хивинском ханстве личное ополчение из нукеров имели не только хан, но и его приближенные. Настоящий документ подтверждает факт существования в Хивинском ханстве XVIII в. практики пожалования нукерам за службу земельных наделов для их содержания.

Таким образом, изучение материалов документальных письменных источников, наряду с нарративными историческими хрониками, в известной мере позволяет воссоздать реальную картину социально-экономической жизни Хивинского ханства в XVIII в.

Перевод исследованного нами ханского ярлыка выглядит следующим образом.

Вверху, в правом углу документа, имеется миналеводная печать («мухр») хана с надписью внутри: «Сайид Абулгази Мухаммад Баходир-хан.

Абу-л-Музаффар ва-л Мансур Сайид Абу-л-гази Мухаммад Баходир хан, наше слово.

Проявляя нашу падишахскую милость и высочайшую благосклонность, мы приняли решение о выделении двух участков земли, принадлежащих нашей святой собственности, в неприкосновенную собственность («мулк-и холис») почтенному владельцу имущества Шах-Нийозу аталыку, для нужд нукеров, за сумму тридцать тилла¹⁴ и за одну священную книгу Калом-и Аллох (Коран).

¹¹ Иванов П. П. Архив хивинских ханов XIX в. С. 18.

¹² Там же, С. 24, 29.

¹³ Петрушевский И. П. Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении в XVI — начале XIX вв. Л., 1949. С. 78.

¹⁴ Тилла — золотая монета; в Хивинском ханстве она имела два номинала — тилла и 1/2 тилла. Вес тилла равнялся одному мискалю (4,55 г), полтилла соответственно 1/2 мискаля (по материалам: Каталог хивинских казийских документов XIX — начала XX вв. Ташкент — Киото, 2001. С. 662).

Первый участок земли размером в 10 танабов с нижеследующими границами: с востока [примыкает] к землям наследников Нурулла суфи, являющихся вакфными; с севера [примыкает] к стене мечети и, частично, к вакфным землям, которые принадлежат мулло Давлату и, частично, захкашу¹⁵, с запада [примыкает] к посеваемым вакфным землям наследников Фатхуллох махдума¹⁶ и, частично, к землям, принадлежащим Кора-Киличу; с юга [примыкает] к каналу (nahr) Ок-еп.

Другой участок также приблизительно 10 танабов со следующими границами: с востока [примыкает] к вакфным землям, принадлежащим Тушакчи; с севера [примыкает] к каналу Ок-еп; с запада [примыкает] к вакфным посеваемым землям Хасана шиговула; с юга полностью [примыкает] к берегу канала Кухна Ок-еп.

Отныне, как только станет ведомо содержание данного высочайшего указа¹⁷, вышеуказанных два участка земли с известными границами, которые были пожалованы вышеназванному аталыку, считать [его] неприкосновенной собственностью, без всяких претензий и вторжений. Пусть после него [эти земли] станут собственностью его сыновей, из поколения в поколение, из века в век. Они [сыновья] будут распорядителями [этих земель] и если захотят, то могут продать, и пусть [эти земли] станут неприкосновенной собственностью того, кто их купит. Кроме того, [мы] пожаловали [Шах-Нийоз аталыку] один *жуйча сув*¹⁸ для удобного и своевременного орошения этих земель. [Также] освободить [владельца] от работы по ремонту этого *жуйча* в течение одного года. Впредь каждый, кто в корыстных целях посягнет на эту землю или будет стремиться к посягательству, пусть подвергнется проклятию Бога и всех ангелов. Пусть он лишится поддержки Его Величества пророка.

Настоящий документ составлен в 1206 г. х.».

Две круглые казнейские печати.

Печать (слева): «Кози ул-кузот Абдулла ибн Мухаммад Амин ходжа мархуми».

Печать (справа): «Кози ул-кузот Абдуллатиф ибн Мухаммад Сафо Хоразми».

¹⁵ *Zahkash* — канал для стока подземных вод.

¹⁶ *Махдум* — господин; почтительное обращение к духовному лицу.

¹⁷ *Фармон* — указ, см.: Чехович О. Д. Задачи среднеазиатской дипломатии // Народы Азии и Африки. 1969. № 6.

¹⁸ Небольшой оросительный канал.

У. Абдурашулов

XVIII АСР ОХИРИДАГИ ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ИЖТИМОНИ-ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИГА ОИД МАНБА

Мақола XVIII аср охиридаги Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий тарихини ёритишга хизмат қилувчи Хива хонлари ёрлиқларидан бирининг таржимаси ва тавсифига бағишланган. Ушбу ёрлиқ — Абулғози IV томонидан маълум миқдордаги ерни ўз амалдорлардан бирига сотгани ҳақида бўлиб, унга кўра бу амалдор ердан келадиган даромад ҳисобига ўз навқарларини таъмин этиши кўзда тутилади.

Бу ёрлиқ Хива хонлигининг XVIII аср охиридаги ҳаёти ҳақида қўшимча маълумот берувчи ҳужжат сифатида тарихий тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

U. Abdurasulov

NEW SOURCE ON SOCIO-ECONOMIC HISTORY OF KHIVA KHANATE
IN THE END OF XVIII CENTURY

In the article of U. A. Abdurasulov «New source on socio-economic history of Khiva khanate in the end of XVIII century» is given translation and description of khan's yarlik, which dates back to the end of XVIII century.

Given document present the decree of Khiva khan (yarlik) about selling the land plots to influential official. The incomes from these lands should be spent for the needs of private military army of nukers.

So, this document gives additional information on socio-economical life of Khiva khanate in the end of XVIII century.

Этнология масалалари

А. Аширов

АНЪАНАВИЙ НИКОҲ ТҶИИ МАРОСИМЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

(Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида)

Маросимларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Айниқса, республикамизда миллий қадриятларимизга ва маънавий меросимизга давлат миқёсида эътибор берилётган бир пайтда мутахассис олимлар анъанавий маросимларимизни тадқиқ қилишда уларнинг ёзма тавсифининггина бериш билангина чекланиб қолмай, балки қадимий тарихга эга бўлган урф-одат ва маросимларимизнинг халқ турмуши ва анъанавий маданиятда тутган ўрни, уларнинг генезиси ва ўзинга хос хусусиятлари ҳамда сақланиш омиллари ҳақида илмий асосли мулоҳазалар билдиришлари жонзидир.

Тарихдан маълумки, ҳар бир халқнинг бошқа бир халқдан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири — унинг маросимларидир. Маросим — инсон моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келадиган ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқинчидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида тўла мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди¹. Бошқача қилиб айтганда маросим умум томондан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган ҳаётний тадбирдир.

Биз мазкур мақолада 1998—2002 йиллар мобайнида Фарғона водийси бўйлаб йиққан дала этнографик материалларимиз ҳамда тарихий-этнографик манбалар ва махсус илмий адабиётлар асосида ўзбек халқининг анъанавий никоҳ тўйи урф-одатлари ва маросимларининг мазмуни-моҳияти, келиб чиқиш асослари, ўтказилиш тартибидоғи ўзинга хослик тўғрисида фикрлашамиз.

Дунёдаги кўплаб бошқа халқлар сингари ўзбек никоҳ тўйи маросимлари турли хилдаги удумларга, ирим-сиримларга бойлиги, этнографик манбаларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ўзбекларнинг анъанавий никоҳ тўйи маросимлари мустаҳкам серфарзанд, фаровон оилани яратишга қаратилган, генезиси эса турли тарихий даврлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва диний кўринишдаги кўп тармоқли урф-одат ва маросимлардан ташкил топган.

Ўзбек халқининг никоҳ тўйи маросимлари илмий этнографик адабиётларда анча кенг ёритилган². Биз шу ўринда бажарилган тад-

¹ Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. Тошкент, 1988. 152-бет.

² Қаринг: Наливкин В., Наливкинъ М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886. С. 201—212; Лобачева Н. П. К истории сложения института свадебной обрядности (на примере комплексов свадебных обычаев и обрядов народов Средней Азии и Казахстана) // Семья

қиқотларнинг қўиларини юксак илмий салоҳиятини эътироф этмаган ҳолда шунини таъкидламоқчимизки, ҳозиргача ўзбекларнинг анъанавий никоҳ тўйи маросими феноменининг мазмун-моҳияти тўлиқ ёритиб берилмаган. Шу боис биз никоҳ маросимларининг барча босқичларига батафсил тўхталмасдан, уларнинг ҳозиргача ёритилмаган айрим томонларини ва генезисини ёритишга ҳаракат қилдик.

Қадимдан туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда никоҳ тўйини бошлаб берувчи дастлабки маросим совчиликдир. Совчилар тўғрисидаги илк маълумотларни VII—VIII асрларга оид Урхун-Энисой биттикларидан учратамиз. Тунпоқуқ битиктошида (VII аср) «сов» — сўз, гап маъносидан ишлатилади. Ирқ битиги (фол китоби)да эса «саб» — сўз, «сабчи» — хабарчи, сўз келтирувчи маъносидан қўлланилган³. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарий «совчи — келин ва куёв орасида бир-биринга хабар элтувчи», — деб ёзган⁴. Демак, биз бундан кўрамизки онла пойдеворини қўювчи совчиларимиз узоқ ўтмиш даврлардан мавжуд бўлганлар. Мазмунан совчилар уйланувчи йигит томонидан қиз томонга хабар берувчи ва қиз томон розилигини куёв хонадонига етказувчи кишилардир.

Фарғона водийси қипчоқларида совчилар ишни битириб келганларида бўлғуси куёвга «иш битди, энди келинга сирга олиб кел», — дейишган⁵. Аёллар қулогига тақадиган сирғалар дастлаб афсунгарлик аҳамиятига эга бўлган. Шу боис ҳозир ҳам айрим халқларда эркакларнинг сирга тақиш одатларини учратамиз. Туркий халқлар ҳаётини ўрганган В. В. Радлов «қадимий туркийларда балоғатга етган қизларга сирга тақишларини ва улар сирғали, яъни қайлиқ ҳисобланишди», — деб ёзиб қолдирган⁶.

Косонсой, Чуст, Поп туманларида қиз томонидан розилик аломатлари олингач, йигит томон бир печа кундан сўнг, кўпинча совчиларнинг учинчи марта келишларида алоҳида дастурхон ва совға-саломлар олиб келганлар. Дастурхон атрофида ҳар икки томон тўй тўғрисида маслаҳатлашадилар. Шундан сўнг даврадагилар орасидан кекса ёшли, кўп фарзандли, бир никоҳли киши йигит ва қизнинг тақдирини мустаҳкам боғлашиши ҳақида дуон-фотиҳа ўқиб, қўлига йигит томонидан олиб келинган ва қиз томонидан дастурхонга қўйилган нонлардан биттадан олиб жуфт қилади ва нонни юза тарафига қаратиб тенг қилиб синдиради. Ушбу удум халқимизда нон синдириш, деб номланган. Нон синдириш удуми тожикларда ҳам кенг тарқалган⁷.

«Нон синдириш» удуми серпуштлик ғояси билан боғлиқдир. Л. Я. Штернберг эса нон синдириш удумини қадимги афсунгарлик кўринишлари билан боғлайди⁸. Ушбу маросим ҳар икки томоннинг қариндошчилик қилишининг рамзи бўлган. Совчилар қиз томонидан

и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. М., 1978. С. 144—175; Уша муаллиф. Что такое свадебный обряд? (Опыт изучения содержания брачно-свадебной обрядности)//Этнографическое обозрение. 1995. № 4. С. 55—64. Исмонлов Ҳ. Никоҳ тўйи//Ўзбек тўйлари Тошкент, 1994. 96—137-бетлар.

³ Древнетюркский словарь. Л., 1969. С. 478.

⁴ Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатут турк. 3-жилд. Тошкент, 1963. 169-бет.

⁵ Шаниязов Қ. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974. С. 311.

⁶ Радлов В. В. Из Сибири. М., 1989. С. 133.

⁷ Қисляков Н. А. Семья и брак у таджиков. М.; Л., 1959. С. 123.

⁸ Штернберг Р. Я. Новые материалы по свадьбе. Л., 1926. С. :

розиллик аломати сифатида берилган оқликни⁹ куёвнинг онасига, отасига эса яқтак, белбоғ, чопонин берганлар. Бу нарсаларни бериш одати асосида оқликдай покиза қизларини уларга берганлигини, энди ушбу қизни боши боғланганлигини рамзий ифодалаган. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, қизнинг берганлигини билдирувчи «оқлик» муқаддас саналган бўлиб, уни қайтариб бериш оғир гуноҳ ҳисобланган¹⁰.

Никоҳ куни кечки пайт куёв ўз яқин дўстлари билан ясан-тусан қилиб, қутловлар остида тўйхонадаги оқсоқолларнинг дуон-фотиҳаларини олиб, келиннинг уйига куёвнавқарга боради. Анъанавий турмуш деҳқончилик билан боғлиқ бўлган ҳудудларда куёвнавқарлар дастурхонига турли поз-пеъматлар билан бирга бўлғуси она серфарзанд бўлсин деб тухум, бодом, ёнғоқ, майиз қўйганлар. Анъанавий турмуш чорвачилик билан боғлиқ бўлган водий қипчоқлариде куёвнинг олдидаги дастурхонга қўйининг тўши қўйилган. Шундан сўнг куёвга аталган ширин чой олиб келинган. Ширин чойни дастлаб куёв, сўнгра унинг дўстлари ҳаётлари шу ширин чой каби ширин бўлсин, деган ниятда ичганлар. Куёвнинг дўстлари зиёфатдан сўнг куёвга куёвлик белбоғларини боғлаганлар. Қосонсой туманининг Тергачи, Чиндовул қишлоқларида тўйнинг эртасига «юз очди» маросимида белбоғ боғланган.

Белбоғ — эрлик рамзи. Аёллар рўмсли каби эрлар белбоғи ҳам тарихий асосларга кўра жинсларни фарқлаш учун хизмат қилади. Даврлар ўтиши билан белбоғ тимсолининг рамзий маъноси кенгайиб, бойлик, давлат тушунчаларини ҳам англатган. Ўзбек белбоғлари амалий маросимий функцияларга эга. Эркак ва аёлларнинг аза ва тўйларда бел боғлашлари маросимий аҳамият касб этади. Хотин-қизлар, йигитлар ва эрлари учун турли ният ва иримлар билан белбоғ тикканларки, бу белбоғнинг афсунгарлик функциясини белгилайди. Буни никоҳ маросимларидаги «белбоғ боғлаш» маросими ҳам тўла тасдиқлайди.

Наманган вилояти Чуст туманининг Дам, Баймоқ, Шўрбулоқ қишлоқларида бўлғуси келиннинг бошига «локи» боғлаш одати мавжуд. «Локи» боғлашда кекса ёшли серфарзанд аёллардан бири келиннинг бошига бир жуфт пон ва пахта қўйиб оқ рўмол (дока) билан боғлаган ва келиннинг юзини XX аср бошларида ўзига хос каштали бежирим қилиб тикилган паранжи билан ҳозирда эса жойнамоз ёки бахмал билан ёпганлар. Локига қўйилган пахтани келинчак тўйдан сўнг ёвуз руҳлардан ҳимояланиш ва серфарзанд бўлиш ниятида пилик қилиб сочига тақади¹¹.

Локи боғлашни кекса ёшли серфарзанд аёллар томонидан амалга оширилиши уларнинг хусусиятлари келинга ўтишига қаратилган, паранжи ёки бахмал ёпиш эса келинчакни ёвуз кучлардан, ёмон кўзлардан ҳимоя қилинишга қаратилган — магик амалдир.

Анимистик тасаввурларга кўра, инсон кийими ёвуз руҳлар ўта олмайдиган афсунлардан тайёрланган. Дастлаб афсунгарлик кўринишига эга бўлган бош кийим кейинчалик бошқа функцияларни ҳам бажарган.

⁹ Оқлик — оқ сурпадан 1x1 метр ҳажмда гул солиб тикилган мато. Бирор маросим муносабати билан келганларга албатта оқлик берилган.

¹⁰ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Қосонсой тумани, Қайтмас қишлоғи.

¹¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани, Дам қишлоғи.

Қадимги одамлар тасавурида кийимнинг ва зеб-зийнатнинг магик қудрати, уни ёвуз руҳлардан ҳимоя фазилатларига эга эканлигини С. А. Токарев ҳам эътироф этади¹².

Тўйлардаги рамзийлик пиктография кирувчи ёшларнинг бошқа ёш ва ижтимоий гуруҳга ўтиши билан боғлиқ қатор ҳолатлар ва урф-одатларда акс этган. Биз бунга аёлларнинг соч турмаклашлари ва бош кийим, хусусан, рўмолларининг ранги, ҳолати, тузилишига кўра уларнинг ёши, оиладаги ўрнига қараб ўзгариб боришида кўришимиз мумкин. Ўзбекларда қизлар турмуш қурганда, жувонлар биринчи фарзанд кўрганда, ўғлини хатна қилганда ва неваралик бўлганда бош кийим рангини ва соч турмаклашлари ҳолатини ўзгартиришган ва ҳар бир ўзгариш ўзига хос махсус маросим билан нишонланган. Бошқа ижтимоий гуруҳга ўтиш ғояси келинини янги фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ «супра солди», «эшик илув», «туйнук очар» каби урф-одатларда ҳам намоён бўлган. Бунда келинининг рўзгор ишларига нечоғлик тайёр эканлиги, унинг уқувлиги, ишчанлиги, эпчиллиги, овқат пишириши каби фазилатлари синондан ўтказилгандир. Тўйда келин-куёвнинг янги ижтимоий статусга (бу мавжуд терминларда айтилади. Масалан, ўзбекларда қиз бола — «келин», «хотин», йигит — «куёв») ўтганлигидан қадимги жинс жамоаларига тегишли ўтмишдаги ёш инициация қолдигини кўриш мумкин¹³.

Келинини тушириб келатганлар куёвнинг уйи олдига яқинлашгач, эшик олдида катта олов ёқилади ва куёвнинг янгилари шакар солинган сут ёки қатиқ ва бир кийимлик маго олиб чиққанлар. Сутни келинчакка яхши ниятлар билан ичиришган. Келинга сут беришда сутдай йўли ойдин, зурриётли ва зотли бўлсин, деган магик ният мужассамлашган. Шундан сўнг келинининг укаси томонидан «пичоқ» ёки «пичоқ пули» талаб қилинган. Куёв томонидан тайёрлаб қўйилган пичоқ, агар пичоқ тайёрланмаган бўлса пичоқ пули берилган. Шундан сўнггина келинини қайнонаси кўтариб туширган ва олов атрофида уч марта айлантирилиб ичкарига олиб кирилган.

Инсоният оловни кашф этгандан буён унга юксак ихлос билан қарайди. Зеро, олов иссиқлик ва ёруғлик манбаи сифатида муқаддас ҳисобланган эди. Хусусан, зардуштийлик илоҳларидан бири Уврта Вхишта ҳам оташ посбони бўлган. Зардуштийлик динида муқаддас олов ва олов доимий равишда сақланувчи оташгоҳ бўлган. Аждодларимиз оловни яна шу жиҳатдан ҳам эъзозлаганки, у ўз шуъласи билан инсонга таъсир этадиган зарарли кучларни куйдирувчи, покловчи ва ёруғлик рамзи сифатида зулматга қарши куч ҳисобланган. Қолаверса қадимги туркий халқлар оловни аёл сифатида тасаввур қилганлар ва бу муқаддас илоҳни «ўт она» ёки «олов аёл» деб атаганлар. Қадимги даврларда қабила оловини ёқиб турадиган киши, яъни «ўт эгаси» вазифасини аёллар бажарганлар¹⁴. Олов билан боғлиқ кўринишлар оилавий турмуш маросимларимизда бугунги кунгача сақланиб қолган. Биз уни айниқса келинини олов атрофида айлантириш удумида яққол кўрамиз. Бунда келинини янгилари тарафидан

¹² Токарев С. А. Ранние формы религии. М., 1990. С. 120.

¹³ Лобачева Н. П. Что такое свадебный обряд? (Опыт изучения содержания брачно-свадебной обрядности). С. 59.

¹⁴ Басилов В. Н. Тюркоязычная народная мифология//Мифы народов мира. Т. 2. М., 1992. С. 538.

уч марта олов атрофида айлантиришда унга ҳамроҳ бўлган турли зиёнлар, инс-жинсларни олов поклашига қаратилган афсунгарлик кўришини билан бирга оловнинг иссиқлиги-ю ёрутлиги муқаддас куч сифатида келинга ҳамроҳ бўлиб, унга куч-қудрат бағишлашни кўрамиз.

Келин куёвнинг уйига олиб кирилгач, келин ва куёв тарафидан қолдирилган ёнгидадан янги уйнинг ўнг тарафи юқори бурчагига чимилдиқ боғлаган. Чимилдиқ келишни ёвуз кучлардан ва ёмон кўзлардан сақловчи ўзига хос афсунгарлик воситаси бўлган. Бундан ташқари чимилдиқни боғлаган янгаларнинг ўзлари ҳам келин ва куёвга дахл қилиши мумкин деб тасаввур қилинган ёвуз кучлар ва инс-жинслардан ҳимоя қилувчи рамзий ҳомий ҳисобланган. Шунинг учун тўйнинг бошидан охиригача янгаларнинг вазифаси жуда кўп бўлади. Фарғона водийсида янгаларни янги, чечка, оя, жешгача, келин-ойи деб аталган. Янгалар саралашда маълум тартиб-қоидаларга амал қилинган. Янгалар, одатда бир никоҳли, серфарзанд бўлиши билан бирга уддабурон, сўзамол ҳаёт тажрибаларига бой бўлишлари шарт бўлган.

Фарғона водийсида янгалар келин-куёвга никоҳ сувидан бир қултумдан ичириб, қолганини оловга сепишган. Улар келин-куёвга тўшак солиб бериб, маълум муддат уларнинг ёнида ётганлар¹⁵. Кўришиб турибдики, биз тилга олган маросимлар мажмуида соч магниси, сув култи, шомонлик ва зардуштийлик эътиқодлари излари синкретик тарзда қўшилиб кетган. Янганинг никоҳ кечаси келин-куёв ёнида ётиши одати ҳозирда ҳам маълум даражада сақланиб қолган. Бу шубҳасиз чиллалик келин-куёвни ёвуз руҳлар, ёмон ниятли кишиларнинг турли афсунларидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, янгалар келин-куёвни ёмон ниятли кишиларнинг сеҳр-жодусидан ҳам ҳимоя қилганлар. Ёмон ниятли кишилар ўзларининг сеҳр-жоду амалларини кўпинча никоҳ маросимининг юқори босқичи ҳисобланган никоҳ ўқиш пайтида амалга оширар эканлар. Бундай амалларни бартараф этиши мураккаб афсунгарлик усулларини талаб қилган ва баъзида эса бундай усуллар ҳам натижа бермас экан. Водий никоҳ тўйи маросимларида ёмон ниятли одамлар ўзлари билан олиб кирган қулфни никоҳ ўқиладиган жойда яширин равишда калит билан қулфласалар ёки никоҳ таптанаси ўтказиладиган пайтда қишидаги пичоғини тескари қилиб қўйсалар, ушбу ёшлар бахтли бўла олмас эканлар¹⁶.

Никоҳ кечаси куёв чимилдиққа кирган заҳоти келин-куёв ўртасида ўзаро «оёқ босиш» удуми ўтказилган. Бу жараёни икки томон янгалари билингирмай кузатиб турган. Гўёки бунда агар қиз биринчи бўлиб куёвнинг оёғини босса, оилада, турмушда унинг мавқеи баланд бўлади, аксинча бўлса куёв ҳукмрон бўлади,— дейилган. Бизнингча, ушбу удум туркий халқлардаги келин ва куёвнинг ўзаро курашиб куч сиनाшиш удумининг изи бўлса керак.

Шундан сўнг келин-куёв биргаликда янгалар томонидан берилган кўзгуга (ойпага) қараганлар. Бу «ойпа кўриш» удуми дейилган. Биз

¹⁵ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. С. 332.

¹⁶ Дала ёзувлари. Намаган вилояти, Косонсой тумани, Ровот қишлоғи.

шунга ўхшаш удумни тожиклар, эронликлар, веда динидаги ҳиндларнинг тўй маросимларида ҳам учратамиз¹⁷.

Кўзгунинг афсунгарлик хусусияти Осиё ва Европа халқларида ҳам маълум бўлган. Ойнанинг маросимий аҳамияти қадимги хитой манбаларида ҳам тилга олинади. Арабларда темирли ойна бахтсизликка қарши турувчи куч деб қаралган¹⁸.

Никоҳ кечаси ёшларнинг биргалликда ойнага қараш удумида келин-куёв келажак ҳаётлари ойна мисоли тишиқ, ёруғ ва пок бўлиши ният қилинган. Биз бунда кўзгунинг рамзий хусусиятларинигина эмас, балки афсунгарлик хусусиятларини ҳам кўрамыз. Келин-куёвнинг биргалликда ойнага қараш удуми қадимги ибтидоий одамларнинг нисонлар руҳи уларнинг соясида, сув ва ойнада намоён бўлади деган қарашлардан келиб чиққан. Жумладан, Ж. Фрезер ҳам қадимда жон соя, сув ва кўзгудаги акс тасвирда ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида тасавурларни эътироф этган¹⁹.

«Ойна кўрсатув»дан кейин янгалардан бири келин-куёвнинг қўлларини бир-бирларига ушлатиб қўяди ва улар маълум вақт бир-бирларининг қўлларини ушлаб турганлар. Бу удум рамзий равишда келин-куёвнинг танишувини билдирган. Сўнгра янга келин-куёв боши узра, ёвуз руҳлардан тозалаш мақсадида, қора чироқни уч марта айлантирган ва келинга янги кўйлак кийгизиб, ёш болани унинг олдига ўтқизган. Ушбу одат замнида ёшларнинг серфарзанд бўлиши нияти мужассамлашган.

Никоҳ тўйи удумига кўра тўйнинг эртаси кун куёвнинг барча яқин кишилари, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилари келинга атаб совғалар олиб келганлар. Ушбу кун келиннинг онаси бошчилигидаги келин томон аёллари куёвнинг уйига «юз очди» маросимига келганлар. Бу маросимни Фарғона водийсида «юз кўрсатар», «бет очар», «рўкушон» (тожикча *рў* — юз, *кушон* — очар) каби номлар билан юритилади. Бу маросимда келиннинг янгилари ёрдамида юзига оқ рўмол ташлаган ҳолда йиғилганлар ҳузурига олиб чиқилган. Шундан сўнг хонадоннинг ёш боласи томонидан унинг юзидаги рўмол очилган ва узоқроқ жойига олиб қочилган²⁰. Биз ушбу маросимда ҳам кўплаб афсунгарлик кўришишларини учратамиз. Жумладан, келиннинг юзини очишда мевали дарахтнинг шохидан фойдаланилади. Бунда мевали дарахтнинг серҳосиллик хусусияти келинга ҳам ўтсин, серфарзанд бўлсин, деган маъно ниятда бажарилган. Қолаверса, ёш бола томонидан келиннинг юзини очилиши ҳам ушбу удум серфарзандлик эътиқоди билан бевосита боғлиқ бўлган афсунгарлик кўришиши эканлигини тасдиқлайди. Умуман олганда никоҳ маросимидаги диний афсунгарликлар асосан икки турда бўлган. Жумладан, айрим афсунгарлик удумлари серфарзанд бўлиш, бўлғуси оилани бахтли бўлиши ва келин-куёв ҳамда уларнинг яқинлари ўртасида илтиқ муносабатни ўрнатишга қаратилган бўлса, бошқалари эса келин-куёвни турли хил бало-қазолардан, ёвуз кучлар ва ёмон кўзлардан асраш асосида пайдо бўлган.

¹⁷ Лобачева Н. П. Свадебный обряд хорезмских узбеков // Краткие сообщения Института этнографии. Вып. XXXIX. М., 1960. С. 43.

¹⁸ Литвинский В. А. Зеркало в верованиях древних ферганцев // Советская этнография. 1964. № 3. С. 101.

¹⁹ Фрезер Дж. Золотая ветвь. М., 1986. С. 142.

²⁰ Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Чуст тумани, Шўрбулоқ қишлоғи.

Анъанавий никоҳ тўйи маросимларидаги тўй рамзлари, яъни парса-буюмлар, шунингдек, диний афсунгарликнинг рамзий маънодаги турли хўжалик-маданий тишларига мансуб бўлган этносларининг ўзига хос хусусиятларини кузатиш мумкин. Жумладан, қадимдан асосий машғулоти деҳқончилик ва ҳунармандчилик бўлган водийнинг ўтроқ ўзбек, тожик ва уйғур этнослари никоҳ тўй маросимларида зардуштийлик излари сақланиб қолганини кузатиш мумкин. Жумладан, бунга никоҳ маросимларида рамзий ишлатиладиган буғдой, анор, майиз, қанд-қурслар, ун, асал, ширин чой ёки маросимий пишириқлар тухум ва турли гуручли таомлар тайёрлашни киритиш мумкин. Шунингдек, айнан бу гуруҳга тегишли келин-куёв устидан ширинликлар, буғдой ва тава сочиш, биргаликда ойнага қараш, исриқ тутатиш, уларнинг кийимларини ип билан тикиб қўйиш, келин куёвниқига олиб келинганда маросимий поклаш учун гулхан ёқиш, келиннинг юзини очишда мевали дарахнинг шохидан фойдаланиш каби одатларни киритиш мумкин. Энг муҳим фарқли томонларидан бири гуруҳ никоҳ маросимларида онла-никоҳ тарзини аке эттирувчи қаллиқ ўйин каби «маросимий ўйинлар» ўтказилмаган ва шунингдек, келини онаси ҳеч қачон қизини куёвниқига биргаликда тушириб бормади. Шунингдек, водийда анъанавий машғулоти чорвачилик билан боғлиқ бўлган ярим-ўтроқ қипчоқлар, қорақалпоқлар ва қирғизлар никоҳ маросимларида исломгача бўлган тотемизм, шомонлик, анимизм, фетишизм, афсунгарлик каби диний эътиқодлар, аждодлар эътиқоди ва ўчоқ култи излари сақланиб қолган. Маросимларда сўзга содиқлик, бахт, серфарзандлик билан боғлиқ кўплаб афсунгарлик ҳаракатлари асосини чорва моллари, айниқса қўй билан боғлиқ расм-русумлар ташкил этади. Масалан, совчиларнинг ўзаро келишувдан кейин қўйнинг жигари ва ёғдан маросимий таом пишириб жўнатиш, куёвнавкарлар билан борган куёв ва унинг дўстларига қўйнинг тўши қўйилиши, маросимий таом сифатида қўйнинг гўшtidан шўрва тайёрланиши, қўйнинг пўстагига келинни ўтқизиш ёки юргизниш кабилар. Шунингдек, маросимий «тўққиз» сони ҳам магик маънони аниқлатган. Улоқ, келин иштирокидаги от пойгаси тўй маросимига хос ўйинлар ҳисобланган. Қизнинг онаси куёвниқига олиб боришда қатнашган²¹.

Фарғона водийсида ёш келин-куёвнинг дастлабки қирқ кунлик даврини «чилла» даври деб аташган. Чилла даврида ёшларни ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш мақсадида хонадон чироғи ўчирилмаган. Чилла даврида келин ҳам, куёв ҳам ниҳоятда пок, тоза, софдил, оқкўнгил, бир-бирига ва атрофдагиларга ўта меҳрибон бўлишлари талаб қилинган. Чунки шу кунлари нималарга одат ҳосил қилсалар, умрининг охиригача шундай кетадилар деб айтилади. Худди шу кунлари келин-куёв шомдан сўнг кўчага чиқмаслиги, ёлғиз юрмасликлари лозим бўлган. Чунки чиллани кишиларга исс-жинслар айниқса ёвуз руҳлар — зиёнқашлар тез таъсир этади деб ўқтирилган. Бундан ташқари ёвуз инятли кишиларнинг иссиқ-совуқ қилишларидан ҳам қаттиқ қўрқилган. Водийда иссиқ-совуқ амалларини кўпинча қизни келин қилмоқчи бўлгану, лекин инятга этиша олмаган аёллар ёки уларнинг оилаларига хусуматлари бор кишилар томонидан амалга оши-

²¹ Лобачева Н. П. К истории сложения института свадебной обрядности. С. 193.

рилган. Бундан ташқари фарзандсиз аёлларнинг «чилла тушусидан» ҳам ҳимоя қилинган.

Никоҳ тўй маросимларида раиғлар рамзига ҳам алоҳида эътибор берилган. Қадимдан анъанавий деҳқончилик билан шуғулланган Фарғона водийси ўзбекларида оқлик (оқ раиғ) ёшларининг бўлғуси ҳаётларининг рамизи ҳисобланган. Шу биле келиннинг уйига совчиликка борганларга ҳам оқлик берилган. Келиннинг никоҳ либоси ҳам оқ раиғда бўлган. Оқ раиғнинг рамизи маъносини тўйдан сўнг келинни хонадон сунасига ўтқазиб, ун ва ёққа қўлини теккизилишида ҳам кўрамиз.

Биз оқ раиғнинг тўйдан кейинги «куёв чақирди» маросимида ҳам учратамиз. Косонсойда «куёв чақирди» маросимига борган куёвнинг оёғи остига хонадон остонасига оқ пояндоз солинган²². Никоҳ тўйи маросимларида ҳукмронлик қилувчи оқ раиғ бугунги кунда одатдагидай хурсандчилик, поклик, тозалик, белгиларини билдирган. Лекин, қадимда оқ раиғдаги нарсалар ёш онланинг келажакдаги ҳаётини муваффақиятини таъминлаш йўлидаги афсунгарликлардан иборат бўлган²³.

Хулоса қилиб, шунни айтиш мумкинки Фарғона водийси никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ урф-одатлардан асосий мақсад келфарзанд, мустақкам, фаровон онлани яратишга қаратилган. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларида водий ўзбекларининг бир неча минг йиллик тарихи давомидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий қиёфасини бой маданий меросини, турмуш тарзини, диний эътиқодларини намоён этганлиги билан аҳамиятлидир. Даврлар ўтиши билан бу маросимлар мазмунан тобора бойиб, замон талабига жавоб бермаган жиҳатлари эса халқ таомилдан чиқиб кетмоқда.

²² Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани, Ровот қишлоғи.

²³ Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969. С. 86.

А. Аширов

НЕКОТОРЫЕ СУЖДЕНИЯ К ГЕНЕЗИСУ ТРАДИЦИОННЫХ
БРАЧНО-СВАДЕБНЫХ ОБРЯДОВ

(на примере узбекских свадеб Ферганской долины)

В данной статье рассматривается свадебный церемониал населения Ферганской долины. На основе фактологического материала раскрываются вопросы генезиса и развития свадебной обрядности. Большое внимание уделяется сохранению традиционных обычаев и обрядов, а также сложению новаций в проведении свадеб.

Освещен ряд обычаев, являющихся отражением пережитков доисламских верований и рассматриваются элементы магических обрядов, связанных с брачным церемониалом.

A. Ashirov

SOME OPINIONS TO GENESIS OF THE TRADITIONAL WEDDING RITUALS
(ON EXAMPLE OF UZBEK PEOPLE OF FARGHONA VALLEY).

In the article the questions of genesis and development of the wedding rituals of the population of the Farghona valley are considered. The author analyses the traditional customs and rituals and the process of appearing and performing innovations in keeping wedding parties. The article considers the certain rituals reflect the preislamic beliefs, and also elements of magic rituals included in the wedding ceremony.

Ёш тадқиқотчи минбари

3. Саидбобоев

УРТА ОСИЁ ҲУДУДЛАРИ ҲАҚИДА АНТИК ДАВР КАРТОГРАФИК ТАСАВВУРЛАРИ

Урта Осие ғарбда Каспий денгизи, жануб ва шарқдан Эрон Ислон Республикаси, Афғонистон ва Хитой Халқ Республикаси, шимолдан $45^{\circ}32'$ шимоллий кенглик¹ билан чегараланувчи улкан ҳудудда жойлашган бўлиб, жами 1 млн. 984 миң кв. км.ни ташкил этади.

Бу ўлка қадимий цивилизация марказлардан биридир ва йирик империялар таркибида жаҳон сиёсий ҳамда иқтисодий тарихида катта ўрин тутган. Қадимги Ғарб ва Шарқ ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқаларида муҳим воситачилик вазифасини бажарган.

Урта Осие ҳақида географик, жумладан картографик тасаввурлар тарихи ҳам анча қадимги, ашқроғи антик даврдан бошланади². Урта Осие тўғрисидаги дастлабки картографик маълумотлар антик даврнинг цивилизация марказлари бўлиши Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римда ёзилган манбаларда учрайди. Чунки «антик давр мамлакатлари Шарқнинг кўплаб мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар, шу туфайли ўз тарихий географик ва картографик тасаввурларини кенгайтирганлар ва боийтганлар»³.

Геродот, Страбон, Клавдий, Птолемей⁴ ва бошқа антик давр муаллифларнинг асарларида Урта Осиенинг илк тарихий картографиясига онд маълумотларни учратишимиз мумкин.

Чунончи, Геродот (мил. авв. 484—425 йиллар) ўзининг «Тарих» асарида Каспий денгизидан шарқда бепоён кенгликлар мавжудлиги ҳақида маълумот беради. У Каспий (Гиркан) денгизини ёпиқ ҳавза деб⁵, унинг кўлами ҳақида шундай фикр юритади: «Узулигини эш-

¹ Шимоллий чегара Э. М. Мурзаев фикрига кўра берилди. Қаранг: Мурзаев Э. М. Средняя Азия. М., 1947. С. 4.

² Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э.— III в. н. э.). Хрестоматия/Под. ред. Л. В. Баженова. Ташкент, 1940. С. 21.

³ Гальков Ч. В. ва бошқалар. Ўзбекистон карталари. Тошкент: Уқитувчи. 1975. 7-бет.

⁴ Геродот. История в девяти книгах/Пер. статьи и коммент. Г. А. Стратановского. Спб.: Наука, 1972; Страбон. География в семнадцати книгах/Пер. статьи и коммент. Г. А. Стратановского. Спб.: Наука, 1964; Claudii Ptolemaei Geographiae libri octo. Graece et latine edidit Dr. Fr. Guil. Willeberg, Essendial, Sumpt et typ G. D. Baedeker. 1838—1875; Квинт Курций Руф. История Александра Македонского/Пер. и примеч. В. С. Соколова. М.: МГУ, 1963; Арриан. Поход Александра/Пер. М. Е. Сергеевко. М.; Л., 1962; Полибий. Всеобщая история в 40 книгах/Пер. Ф. Г. Мищенко. Т. I—III. М., 1890; Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия/Пер. и прим. И. В. Пьянкова. Душанбе: Дониш, 1975.

⁵ Геродотдан сўнг яшаган географлар (Эратосфей, Страбон, Помпоний Мела ва бошқалар) Каспийни Шимоллий океанининг қўлтиги деб ёзишган; Геродотнинг фикри эса фақатгина милодий II аср географ Птолемей томонидан қабул қилинган. Бу ҳақда қаранг: Античная география/Сост. М. С. Бондарский. М., 1953. С. 23.

какли кемада 15 кунда, кенглигини эса ҳаммаси бўлиб, 8 кунда сузиб, ўтиш мумкин»⁶. Аракс (Амударё) ҳақида маълумот бериб, Геродот: «Аракс, айтишларича, Истерга қараганда каттароқ ва (бошқа дарёларга кўра) кичикроқ, Лесбос катталигидаги кўплаб оролларга эга... Аракс Матиёнлар юртидан оқиб келади. Гиндис (Ҳинд) дарёси ҳам ўша ердан оқадил»⁷,— деб қайд этган. Р. Э. Ленцининг фикрига кўра, Геродот ёзган Аракс дарёси Сирдарё ёки Тажан дарёси бўлиши керак. Аммо кўплаб олимларнинг фикрига кўра, у Амударёдир. Геродот Амударёнинг бир ўзаш (Ўзбой) Каспийга қуйилган, деб ўйлаган бўлса керак.

Профессор А. Саъдуллаев ҳам «Аракс бу Амударё, Матиён тоғлари, Геродотнинг тушунишича, Помир ёки Ҳиндиқуш тизмаларидир, чунки тарихчининг (Геродотнинг) айтишича, Матиён тоғларидан Ҳинд дарёси ҳам бошланади»,— деб ёзди⁸.

Геродот массагетларнинг ерлари ҳақида фикр юритиб, улар «Каспий денгизидан шарқда, қуёш чиқиш йўналишида жойлашган» деб ёзди⁹. Унинг Бақтрия ва Хоразм ҳақидаги маълумотлари ҳам кизиқарлидир: «Осиёда бир водий бор. Унинг ҳамма томони тоғ билан ўралган, тоғни эса бешта дара кесиб ўтади. Бир вақтлар бу водий хоразмликларга қарашли бўлиб, хоразмликлар, парфияликлар, саранглар ва тамансийларнинг чегарадош ерларида жойлашган»¹⁰.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, Ж. Томсон, В. Федчина, В. Дементьев, О. Андриющенко¹¹лар Геродот маълумотига таяниб, карталаб яратганлар. Ж. Томсон Каспий денгизининг кенглигини ўзайтириб юборган, бу эса Геродот ёзганларига мос тушмайди. В. Дементьев, О. Андриющенколар Аракс (Амударё)ни бирмунча тўғрироқ чизганлар, лекин унинг Каспийга қуйилувчи ирмоғи тасвирланмаган. Шунингдек, бактрияликлар юрти ҳам акс этмаган. В. Федчина тиклаган картада Геродот тилга олган «ботқоқлик ва кўллар» мавжуд ҳудудлар тасвирланган бўлса-да, бироқ бактрияликлар ва массагетлар ерлари чизилмаган.

Яна бир юнон олими Геродотнинг тарихий анъаналарини давом эттирган Ктесий¹² Урта Осиёда бўлмаган бўлса-да, лекин бу ерлар ҳақида бир қадар маълумотга эга бўлган. Унинг қайд этишича, қарийб барча халқлар сатрапликларга бўлинган бўлиб, фақатгина сак

⁶ Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э.— III в. н. э.). Хрестоматия/ Под. ред. Л. В. Баженова. Ташкент, 1940. С. 21.

⁷ Ленц Р. Э. Наши сведения о прежнем течении Аму-Дарьи//Зап. имп. Русск. Геогр. общ-ва по общ. геогр. Т. IV. Спб., 1872. С. 88.

⁸ Саъдуллаев А. С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. Ўқитувчи. 1996. 34-бет.

⁹ Геродот. История. С. 76.

¹⁰ Там же. С. 173.

¹¹ Томсон Дж. О. История древней географии. М.: 1953; Федчина В. Н. Как создавалась карта Средней Азии М.: Наука, 1967; Дементьев В. А., Андриющенко О. Н. История географии. Ч. I. Минск, 1962.

¹² Ктесий мл. авв. V—IV асрларда яшаган юнон олими. Кичик Осиёдаги Кижд шаҳридан бўлиб, мл. авв. 414 йилдан бошлаб аҳамонийлар подшоси Артаксеркс II саройида табиб бўлиб хизмат қилган. Шу вақт мобайнида у Урта Осиёнинг қадимги давлатлари ва шаҳарлари тўғрисида батафсил маълумот тўплаган. Сабаби бу даврда Урта Осиё аҳамонийлар таъсири остида эди. Асосий маълумотларини ўзининг «Персия тарихи» асаринда тўплаган бўлиб, унинг каттагина бир қисми Бақтрия тарихига бағишланган. Ктесий ҳақида батафсил қarang: Соболевский С. И. Ктесий// История греческой литературы. Т. II. М.; 1955. С. 127—129.

2003

қабилаларининг сатрапликларга кирмаган¹³. Ктесий даврида шарқдаги йирик ва аҳамиятли сатрапликлардан бири Бақтрия, Сўғдиёна, Ҳинд дарёси йўналишидаги ҳудудларни ўз ичига олган эди¹⁴.

Бақтрия ерларидаги кумуш конлари ҳақида гапириб, Ктесий ушбу заминнинг чуқур ер қатламларида ушбу металлнинг кўплигини ёзади¹⁵.

Ктесийга кўра, шарқда йирик Шимолий денгиз (Каспий денгизи) бўлиб, денгиз бўйида гирканлар ва уларнинг қўшиниси дарбиклар истиқомат қилганлар. Улардан ҳам шарқда эса парфиялик ва барканийликлар хорамней ва кармонийлар истиқомат қилишган. Бақтрия «текисликлари»га эса ғарбдан фақатгина кичик тоғ йўли орқали ўтиш мумкин бўлган. Бақтрия ерлари Танаис дарёсидан Ҳинд дарёси бўйларигача бўлган ерларни эгаллаган. Танаис Бақтрия ерларини Европада Ҳинд эса Ҳиндистондан ажратиб турган. Ктесий тасаввурига кўра, Танаис Ҳинд дарёсига қарама-қарши бўлиб, Понт (Қора) денгизига қуйилган¹⁶. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ктесийнинг Танаис деганда икки дарё — Дон ва Сирдарё ҳақидаги маълумотлар бир-бирига зиддир. Ктесий ёзганидек, Бақтрия ерларини Танаис бўйларигача чўзилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда Танаис дарёси бу Сирдарё бўлади ва бу исбатан тўғри тушунча. Бақтрия сатраплиги Ктесий даврида ҳам, Александр Македонский замонида ҳам Сирдарёгача бўлган ҳудудларни қамраб олган эди¹⁷.

Урта Осиё ҳақидаги маълумотлар кейинроқ Александр Македонский юришлари (мил. авв. 329—327 йиллар) даврида тўпланди. Жумладан, антик даврнинг йирик географ олими Страбон милодий I асрдан 17 та китобдан иборат «География» асарини яратди. У «миллоддан аввалги V асрдан милодий I асргача бўлган барча географ ва тарихчиларнинг асарларидан танқидий фойдаланди»¹⁸.

«География»нинг XI китобида Урта Осиёнинг Парфия ва Гиркания каби ўлкалари, Амударё, Сирдарё ҳақида маълумотлар учрайди. Шунингдек, китобда Урта Осиёда яшовчи сак, сўғд, скиф, массагет қабилалари ҳақида ҳам маълумот бор¹⁹. Яксарт (Сирдарё), Политимет (Зарафшон), Эпард (Мурғоб) дарёлари ҳақида ёзилган; Амударё Аракс ёки Окс деб аталган. Унинг сувлари эса ботқоқликларга эмас, «сувлар мамлақати»га сингади. «Сувлар мамлақати», Шимолий ден-

¹³ Пьянков И. В. Список восточных сатрапий державы Ахеменидов у Ктесия // Материальная культура Таджикистана. Вып. 2. Душанбе: Дониш, 1971. С. 68—79.

¹⁴ Бир оз кейинги мабалада Бақтрия сатраплигига бақтриялик, сўғдиёналик, «ҳиндлар яъни бақтрияликлар қўшиниси» кирганлиги тўғрисида ёзиб ўтилган. Бу ҳақда қarang: Арриан. Анабасис Александра, или поход завоеванный Александра Великого. В 7 кн./Пер. с греч. Н. Коренькова. Кн. III. Ташкент, 1910. С. 410.

¹⁵ Пьянков И. В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе: Дониш, 1975. С. 101.

¹⁶ Юқоридаги асар. 21-бет.

¹⁷ Пьянков И. В. Бақтрия в античной традиции. Душанбе: Дониш, 1982. С. 34.

¹⁸ Вязигин С. А. Материалы по исторической географии Туркменистана // Изв. Туркм. филиала АН СССР. 1946. № 3—4. С. 35.

¹⁹ Бойназаров Ф. Урта Осиёнинг антик даври. Тошкент: Уқитувчи, 1991. 148-бет.

гиз деганда, Страбон Орол денгизини тушунган, Амударёнинг бир ўзани Гиркан қўлтиғига қуйилади, деб ўйлаган²⁰.

Яксарт ҳақида Страбон қуйидагича ёзади: «Яксартнинг бошланиши Оке дарёси (бошланиши)дан бошқа жойда, аммо улар битта денгизга қуйилади»²¹. Бу денгизни Страбон Каспий деб тушунган. Сабаби Каспийдан шарқдаги ўлкалар ҳақида ёзганда, «бирорта ҳам юнон ва рим муаллифлари ўз асарларида Орол денгизни ҳақида бевосита ёки билвосита эслатмаган»²². Аммо академик Л. С. Берг бир тадқиқотида²³ Шимолӣ денгиз деганда Страбон Орол денгизини тушунган, деб ёзади.

Страбон «Географияси»да Политимет (Зарафшон) дарёси ҳақида ҳам ишончли маълумотлар учрайди: «Сўғдиёна ичидан оқаётган дарёни Аристотелнинг айтишича, македонлар Политимет деб аташган. Арийлар еридан оқаётган Арий дарёсига ўхшаб бу дарё ул диёр ерларини сугориб, сўнгра чўл томонга давом этади ва қумлар ичида йўқолиб кетади»²⁴. Бу маълумотлардан билишимиз мумкинки, Зарафшон антик даврда ҳам ҳеч бир дарёга қуйилмасдан қумларга сингиб кетган.

Страбон Яксарт ва Оке дарёлари бўйларида яшовчи қабилаларнинг жойлашув ҳолатига ҳам тўғри баҳо беради. У Паропамис (Ҳиндикуш) тоғларининг шимолӣ тармоғини Имаус (Помир) тоғлари деб билади. Страбонга кўра, Урта Осиёда массагет қабилаларининг бир қисми тоғларда, яна бир қисми текисликларда, учинчи қисми ботқоқликларда, тўртинчи қисми эса ана шу ботқоқликлардаги оролларда истиқомат қилганлар²⁵.

Страбон тилга олган тоғлар Орол денгизни ва Каспийдан шарқдаги тоғлар, яъни Тяньшань ва Помирни, водий деганида эса Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни назарда тутган²⁶.

Қадимги дунёнинг географик ҳамда картографик билимларини умумлаштирган машҳур олимлардан бири милодий II асрда яшаган йиррик картограф олим Клавдий Птолемейдир. Унинг «Географиядан қўллаима» асари антик даврнинг ўзига хос географик энциклопедиясидир. Птолемей мазкур асарнинг биринчи бобида географиянинг вазифалари ва дунё картасини тузишда қандай картографик проекцияни қўллаш лозимлигини баён этган. Умуман, бу асарни дунёнинг географик атласи деса ҳам бўлади²⁷. Птолемей бу асардан ташқари 27 та картани ўз ичига олган дунё атласини тузди. Птолемейнинг бошқа юнон муаллифларидан афзаллиги шундаки, у ўзига маълум барча фактик маълумотларни карталарга туширди ва шу

²⁰ Эратосфен даври (мил. ав. II аср)дан Птолемей (мил. II аср)гача қадимги муаллифлар Каспий денгизини океан кўрфазини сифатида тасаввур қилишган.

²¹ Глуховской А. И. Пропуск вод реки Аму-Дарья по старому ее руслу в Каспийское море. СПб., 1893. С. 3—4.

²² Берг Л. Научные результаты Аральской экспедиции // Изв. Турк. отд. Импер. Русск. Геогр. общ-ва. Т. V. СПб., 1908. С. 1.

²³ Берг Л. С. Очерки по истории русских географических открытий. М.; Л., 1949. С. 268.

²⁴ Страбон. География. В 17 кн. Кн. XI. СПб.: Наука, 1964. С. 489.

²⁵ Древние авторы о Средней Азии. С. 22.

²⁶ Умурзаков С. Очерки по истории географических открытий и исследований Киргизии. Фрунзе, 1959. С. 8.

²⁷ Ҳасанов Ҳ., Бўриев О. Ал-Хоразмий географияси. Тошкент: Фан, 1983. 15-бет.

тариха катта картографик асар яратди. Ана шунинг учун ҳам у «Уйғонини давригача ва Уйғонини даврида ҳам кўплаб европалик олимлар учун олий даражадаги географ саналган»²⁸. Птолемейнинг «География» асарини айниқса, карталарини юқори баҳолаб, А. Гумбольдт шундай ёзган эди: «Шубҳасиз, Птолемей «География»си шуниси билан қадрлики, у бизга бутун қадимги дунёни фақатгина тасвирлар эмас, ҳисоб йўли яъни жойларнинг кенглиги, қутб баландлиги ва кун давомийлигини аниқлаш билан тасаввурлар ҳосил қилдирадиган»²⁹. Яъни Птолемейнинг карталарида градуc тўри ишлатилган бўлиб улар ўз даврига исбатан илмий жиҳатдан анча юксак даражада эди.

Урта Осиё Птолемей «География»сининг V—VII бобларида 12 та картада берилган бўлиб, 48 та вилоятга бўлинган³⁰. Унинг атласидаги йиғирма иккинчи картада Урта Осиёнинг 81°—147° шарқий узунлик ва 35°—65° шимолӣ кенглик орасидаги Урта Осиё ҳудудлари ҳам акс эттирилган. Ушбу карта таҳлили бўйича С. А. Вязигин, Б. П. Дитмар, В. В. Латышев³¹лар махсус шуғулланишган.

Машҳур рус географи И. В. Мушкетов фикрига кўра, Птолемейнинг бу картасида ҳатто XVIII асрнинг биринчи ярмидаги европалик олимларнинг маълумотларига қараганда ҳам Туркистон тўғрисида кенгроқ ва тўғри маълумот бор³².

Птолемейга қадар барча юнон муаррихлари Каспий денгизини дунё океанининг қўлиғи деб, нотўғри тасаввурга эга эдилар. Птолемей ана шу ҳукмрон хато тасаввурни инкор қилибгина қолмай, унинг нотўғрилигини исботлаб ҳам бера олди.

Птолемей картасида Яксарт (Сирдарё), Политимет (Зарафшон), Окс (Амударё ва унинг irmoқлари), Ох (Тажик) ва Марг (Мурғоб) дарёлари, бошқа кўплаб кичик дарёлар бор. Бироқ, Урта Осиёнинг йирик дарёлари Каспий денгизига қўйилмаган қилиб тасвирланган. Каспий денгизи эса шарқдан ғарбга чўзилтириб чизилган.

Картада тарихий ҳудудлар (Сўғдиёна, Бақтрия, Марғиёна), халқлар (хоразмликлар, зарнаслар, массагетлар) шаҳарлар (Трибактра, Асткана, Харахорта, Марақанда, Туркана, Антиохия—Марғиёна) акс эттирилган. Шунингдек, картада Сирдарё ва Амударёнинг ўрта оқимлари оралиғидаги ҳудуд Трансоксиана деб аталган³³.

Клавдий Птолемей картаси яна шу жиҳатдан аҳамиятлики, унда Урта Осиёдаги давлатлар чегаралаб берилган. Бундан ташқари, у этнографик жиҳатдан ҳам характерли. Картада 12 қабила (хоразмликлар, тохарлар, массагетлар ва ҳоказо) ажратиб кўрсатилган.

²⁸ Магидович И. П., Магидович В. И. Очерки по истории географических открытий. В пяти томах. Т. I. М.: Просвещение, 1982. С. 131.

²⁹ Гумбольдт А. Космос. Опыт физического мирописания. Ч. 2. М., 1871. С. 157.

³⁰ Ҳасанов Ҳ., Бўриев О. Ал-Хоразмий географияси. Тошкент: Фан, 1983. 21-бет.

³¹ Вязигин С. А. Сведения Клавдия Птолемея по географии Туркменистана // Изв. Туркм. филиала АН СССР. 1964. № 1; Дитмар Б. П. Исторический очерк изображения территории СССР в иностранной картографии до XVIII века // Уч. зап. Ярослав. гос. пед. ин-та. Вып. VI (XVI). Ярославль, 1945; Его же. От Птолемея до Колумба. М.: Мысль, 1989; Латышев В. В. Известия древних писателей о Скифии и Кавказе // Вест. древн. истории. 1947. № 1, 2, 3, 4; 1948. № 1.

³² Мушкетов И. В. Туркестан. Т. I. Ч. 1. Пг., 1915. С. 61.

³³ Азатьян А. А. и др. История открытия и исследования советской Азии. М.: Мысль, 1969. С. 89.

Урта Осиё тоғлар орасидаги бир водий қилиб кўрсатилган: жанубда — Паропамис тоғлари, шарқда — меридианал чўзилган Имаус (Помир) тоғлари бор³⁴.

Бироқ, шаҳар ва қабилалар тасвирида ҳам бир қанча хатолар учрайди. Баъзи шаҳарларнинг номи ҳар хил берилган бўлиб, географик ўрни ҳам турлича аниқланган. Масалан, Самарқанд (Птолемейда — Марақанда) шаҳри ҳақиқий географик ўридан бир неча градус жанубда кўрсатилган. Аммо баъзи бир тадқиқотларда бу шаҳар ҳақидаги Птолемей тасаввурига янгиликлар ҳам киритилган. Птолемей бу шаҳарнинг координаталарини қуйидагича аниқлаган: 112° шимоллий узунлик 39°15' шарқий кенглик. Птолемей картасидаги Марақанда учун аниқланган кенгликнинг Самарқанд шаҳри кенглигига тўғри келиши тасдиқий ҳол бўлса керак³⁵.

Аммо Сўғдиёنانинг Марақанда шаҳрини ўзининг VIII китобида эслатган Птолемей бу машҳур шаҳарни картада кўрсатмаслиги мумкин эмас³⁶.

Антик давр олимларининг Урта Осиё ҳақидаги деярли етти аср мобайнидаги, яъни Геродотдан Птолемейгача бўлган картографик тасаввурларини умумлаштириб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

— антик даврнинг картографик тасаввурлари ўз даври учунгина эмас, балки кейинги авлодлар (айниқса, европаликлар) учун ҳам анча вақтгача Урта Осиё ҳақидаги асосий маълумотлар бўлиб қолди;

— Птолемейнинг картографик материаллари антик давр олимларининг Урта Осиё ҳақидаги маълумотларини бойитди;

— антик муаллифларнинг чекланган ва бир-биринга зид тасаввурлари вақт ўтиши билан кейинги тадқиқотчиларни қаноатлантирмади. Бу эса, янги картографик маълумотларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

³⁴ Ҳасанов Ҳ. Урта Осиёга саёҳатлар. Тошкент, 1954. 7-бет.

³⁵ Қаранг: Бартольд В. В. История культуры и жизни Туркестана. Соч. Т. II. Ч. I. М., 1963. С. 186; Maerkwaart J. Weigot u Aang. Leiden. 1938. P. 30.

³⁶ Қаранг: Пьянков И. В. Древний Самарқанд (Марақанды) в известных античных авторов. Душанбе: Дониш, 1972. С. 51—56.

3. Саидбабаев

КАРТОГРАФИЧЕСКИЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ О ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ В АНТИЧНЫЙ ПЕРИОД

Статья посвящена одной из актуальных тем современной истории Узбекистана — созданию первых древнейших карт Средней Азии и их роли в источниковедении Узбекистана.

На основе привлечения богатых источников, зарубежной научной литературы автор последовательно раскрывает тему картографирования Средней Азии Геродотом, Страбонам, Птолемеем, Ктесеем, а также проводит сравнение, делает анализ, выводы и интересные обобщения.

Z. Saidboboev

CARTOGRAPHICAL IDEAS OF TERRITORY OF THE CENTRAL ASIA IN ANTIQUE PERIOD

The article is devoted to one of the most important themes of modern Uzbekistan's history, namely, Central Asia's and Uzbekistan's original ancient maps and their place in the study of historical sources in Uzbekistan.

The author's research is based upon rich historical sources and foreign scientific journals and includes an analysis and evaluations of the works by Herodotes, Strabon, Ptolemea and Ktesea.

Г. Султонова

БУХОРО ВА ҚОЗОҚ ХОНЛИКЛАРИНИНГ ҲАЗОРО ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ

(XVI аср иккинчи ярми)

XVI аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда йирик ер эгаларининг Ҳазоро ички низолари ва шайбоний султонларининг тахт учун кураши авж олган ва парокандалик кучайган эди. Бу курашлар натижасида шайбоний Абдуллахон II тахт тепасига келиб, Бухоро хонлиги ҳокимият бошқарувини ўз қўлига олди.

1551 йилда Бухоро хонлигига қўшни бўлган қозоқ хонлигида ҳам Ҳазоро тахт учун кураш натижасида қозоқ султони Ҳақназар тахтни эгаллаб, кўнлаб қозоқ қабилаларини қўл остида бирлаштирди. Ҳудудий жиҳатдан бир-бирига қўшни бўлган икки давлат хонлари ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ҳаётини ривожлантириш мақсадида Ҳазоро алоқалар олиб борган.

Ҳақназархон XVI аср иккинчи ярмида Марказий Осиёда ўзига хос ҳарбий ва сиёсий кучга эга бўлган Абдуллахон II давлати билан дўстона алоқаларини сақлашга ҳаракат қилган¹. Шу мақсадда Ҳақназархон ҳукмронлиги даврида Бухоро давлатига элчилар юборилганлиги ва бунга жавобан Абдуллахондан ҳам элчи келганлиги тўғрисидаги кўнлаб маълумотлар бунини тасдиқлайди. Жумладан, бу икки хон ўртасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва Ҳазоро дўстона алоқада бўлишини таъминловчи «қасамий иттифоқ» тузилган². Шунга кўра, 1579 йилларининг охирида Ҳақназархонга қарши исён кўтарган қозоқ қабилалари билан тил бириктириб, Тошкентни эгаллаган Бобо султон (Наврўз Аҳмад — Бароқхоннинг ўғли, шайбоний султон)га қарши жангда қозоқ хони Абдуллахон II ни қўллаб-қувватлаган³.

Бундан ташқари Ҳофиз Танишнинг таъкидлашича, Абдуллахоннинг Келес сойи бўйига келиб жойлашганлигини эшитган Қозоқ хони унинг ҳузурига элчи юборган. Элчилар Абдуллахон билан тузган аҳду-паймонларида турганлигини ва яна дўстлик, хайрихоҳлик ва бўйсунушга тайёр эканликларини билдирган. Шунингдек, Бобо султон ўғилларидан бири Убай султон ва амирларидан Жонмуҳаммад оталиқ найман, шоҳ Ғозибий дўрмон билан биргаликда бир гуруҳ унинг одамлари қўлга тушганлигини, уларни Абдуллахонга топширишга

¹ Басин В. А. Россия и казахские ханства в XV—XVI вв. Алма-Ата: Наука, 1971. С. 82.

² Абусентова М. Х. Казахское ханство во второй половине XVI в. Алма-Ата: Наука, 1985. С. 56.

³ Бадриддин Кашмири. Равзат ар-ризон ва манокиб ал-ғилмон. ЎЗР ФА. Беруний номидаги Шарқшунослик институти. № 2094, 229 а.б; 230 а.-варақлар; Ҳофиз Таниш. Абдуллонома. 1-китоб. Тошкент: Шарқ, 1999. 347-бет; Абусентова М. Х. Казахское ханство во второй половине XVI в. С. 56.

тайёр экаликларини айтган⁴. Бухоро хони элчиларни яхши кутиб олиб, шоҳона совғалар билан сийлаган. Ўз ўрнида Амир Сархун оталиқни мактуб билан қозоқ элчисига қўшиб Ҳақназархонга юборади. Ҳофиз Таниш «Абдуллонома» номли асариди ушбу мактубнинг жавобини ҳам келтирган. «У жойнинг ҳоқонларига дуодан сўнг маълум бўлсинки, Туркистон вилоятларидан (бу вақтда Туркистон Абдуллахон II давлати таркибига кирган — *С. Г.*) ун тўрттасини уларга тақдим қилдик. Агар ихлослари тўла бўлса, дўстлик йўлидан қадамни, ҳамда, амру тақиқларга бўйсунишдан бошни чиқармаган ҳолда асирларни тезлик билан бу томонга юборсинлар»⁵. Демак, қозоқ хони Абдуллахонга рақиб бўлган шайбоний султонларга қарши курашиб, унга ҳокимиятни мустаҳкамлашда ёрдам бериш билан бирга, қайсидир маънода Бухоро хонига бўйсунган.

«Абдуллонома» асариди 1579 йил 25 майда яна Бухоро давлатига Қозоқ хонлигидан элчи келиб, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга муваффақ бўлганлиги қайд этилган⁶. Ҳақназархон то умрининг охиригача Абдуллахон билан тузган иттифоққа содиқ қолган. Шунинг учун 1580 йили Бобо султон Қозоқ хонига кучларни бирлаштириб, Абдуллахонга қарши биргаликда курашини таклифи билан Жоникулбийиш элчи қилиб юборганда, уни рад этиб, элчини ўлимга маҳкум қилган эди⁷.

Икки давлат ўртасидаги алоқалар 80-йиллардан кейин, Ҳақназархон ўлимидан сўнг Шиғойхон даврида ҳам давом этган. Ҳофиз Таниш шундай ёзади: «Зафарпаноҳ сипоҳ Қоратол мавзенига тушган эди, кўп йиллар даштда (Дашти Қипчоқ — *С. Г.*) ҳукмрон бўлиб, онҳазратга дўстлик изҳор қилиб юрган Шиғойхон ўз ўғли Таваккал ва бошқа болалари билан олий даргоҳга келиб, баъзи давлат аёнларининг воситачилиги билан адолат нишон ҳоқонга йўлиқди. Онҳазрат табиатидаги марҳамат юзасидан унга таъзим ва тақрим, умумий икром ва инъом кўрсатиб, Хўжанд мамлакати хирожиини Шиғойхонга берди. Унга дилдорлик қилиб, подшоҳона тўю базм тартибига буюрди». Ҳатто Шиғойхон ва унинг ўғли Таваккул султон Абдуллахон II қўшини таркибига кириб, ҳарбий юришларида қатнашган. Шу билан бирга у ўз одамлари билан ўзбек султонлари орасида ҳам юқори нуфузга эга бўлиш билан бирга Абдуллахон II уюштирган шикорларда иштирок этган. Ҳофиз Танишнинг «Шиғойхон бошчилигидаги қозоқ қўшини Абдуллахон қўшинининг авангард отрядининг ўнг қанотига жойлашди», ёки «базмдан фориг бўлиб (Абдуллахон), ўзининг дилбанди (Абдулмўмин) ва Шиғойхоннинг ўғли (Таваккал) билан ўрдак томошасига чиқди» деган маълумотлари буни тасдиқлайди⁸. Бундан ташқари Бухоро хони 1583 йилда Абдуллахонга қарши исён кўтариб, сўнг Қашгарга қочиб кетган Андижон ҳокими Муҳаммад Мўмин султонни тутиб келиш учун қўшин юборади. Унга Ибодулла султон, Исфандиёр султон ва Таваккул султонларни бош қилиб тайинлаган⁹. Бизнинг фикримизча, Абдуллахон бу йўл билан

⁴ Ҳофиз Таниш. Абдуллонома. 1-китоб. Тошкент: Шарқ. 1999. 344-бет.

⁵ Уша асар.

⁶ Уша жойда. 346-бет.

⁷ Абусейтова М. Х. Казахское ханство во второй половине XVI в. С. 56.

⁸ Ҳофиз Таниш. Абдуллонома. 1-китоб. 351—357-бетлар.

⁹ Бадриддин Кашмири. Равзат ар-ризон. 237 а, б; 238 а-варақлар.

2003

иттифоқчиларига нафақат ўз ишончини кўрсатмоқчи бўлган балки, қозоқ султонларини ўзига нисбатан ишончи ва садоқатини ошириш, шу билан бирга ташқи хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган. Маълумки, Абдуллахон II бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудини бирлаштириб, марказлашган давлат тузишга ҳаракат қилган. Бу мақсадни амалга оширишда қозоқ хонлари унга ёрдам берган. Жумладан, Тошкент ҳокими Бобо султонни бўйсундиришда қозоқ султони Таваккул фаол иштирок этган. Бунинг эвазига Бухоро хони унга Офаринкент (Қорадарё ва Оқдарё оралнидаги оролнинг юқори қисмида жойлашган — С. Г.) вилояти амлоқини мукофот сифатида беради¹⁰. Бироқ, Таваккул султон 1583 йил Бухоро қўшини таркибидан чиқиб Дашти Қипчоққа кетган¹¹.

Бунинг сабаби тўғрисида тарихчилар турли хил фикр билдиришган. Жумладан, М. Х. Абусеитованинг фикрича, бунга Абдуллахон II нинг Таваккулга ваъда қилган Туркистондаги қишлоқларни бермаганлиги сабаб бўлган¹². Шу билан бирга бизнинг фикримизча, қозоқ султонининг кетишига, биринчидан Дашти Қипчоқда Шиғойхон ўлимидан сўнг (1583 йил) қозоқ султонлари ўртасида бошланган тахт учун кураш, иккинчидан, XVI асрнинг охирларига келиб қозоқ хонлигидаги иқтисодий, сиёсий ривожланиши ва бошқа давлатлар қарамлигидан қутулишга интилиш кучайганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, Таваккулхонда Марказий Осиёда ўз ҳокимиятини ўрнатиш фикри ҳам бўлган. Бироқ, унга Абдуллахон тўсқинлик қиларди¹³. Қозоқ хони қулай пайт келишни кутарди. Қачонки, Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўмин ўртасидаги зиддият ҳақида хабар топган Таваккулхон катта миқдордаги қўшин билан Тошкент ва Самарқандни эгаллаб олиб, Бухорога ҳужум қилишга қарор қилади. Бунинг эшитган Абдуллахон қўшинининг бир қисмини қозоқларга қарши жанг қилиш учун юборади. Жангда Бухоро қўшинлари енгилиб, пойтахтга чекинишга мажбур бўлади. Бу воқеа Абдуллахон учун кутилмаган зарба эди. У яна қўшин йиғиб ўзи бошчилигида қозоқ хонига қарши Самарқанд тарафга юриш бошлайди. Таваккул Дашти Қипчоққа вақтинчалик чекинишга мажбур бўлади¹⁴. 1598 йил Абдуллахон II вафотидан сўнг у яна Мовароуннаҳрни олишга уринган. Аммо, бу мақсадига тўлиғича эришолмаган. Фақатгина қисқа муддат Туркистон, Тошкент ва Фарғона Таваккулхон қўл остида бўлган¹⁵.

Гарчи, икки хон ўртасидаги ўзаро муносабат заифлашган бўлса-да, бу давлатлар аҳолиси ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар тўхтамаган. Чунинчи, XVI аср иккинчи ярмида ҳам Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдан йўл олган савдо карвонлари қозоқ хонлиги ҳудуди орқали Россияга етиб борган. Улар йўлларда тўхтаб Дашти Қипчоқ аҳолиси билан савдо-сотиқ қилганлар, қозоқларда ҳунармандчилик юқори даражада ривожланмаганлиги сабабли дашт аҳо-

¹⁰ Ҳофиз Таниш. Абдуллонома. 2-китоб. Тошкент: Шарқ. 2000. 87—89-бетлар.

¹¹ Абусеитова М. Х. Казахское ханство во второй половине XVI в. С. 56.

¹² Там же. С. 76.

¹³ Там же.

¹⁴ Материалы по истории Казахского ханства XV—XVIII вв. Алма-Ата: Наука, 1969, С. 394.

¹⁵ Абусеитова М. Х. Казахское ханство во второй половине XVI в. С. 86.

лиси кундалик турмушига керакли маҳсулотларни Туркистон ва Тошкент бозорларидан олиб кетганлар. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари Абдуллахон II га ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Фарб давлатлари билан савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берган бўлса, қozoқ хонларига ўз мавқени мустаҳкамлаш, ташқи хавфсизлигини таъминлаш, хонлик иқтисодини яхшилаш имконини берган.

Г. Султанова

ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ СНОШЕНИЯ МЕЖДУ БУХАРСКИМ И КАЗАХСКИМ ХАНСТВАМИ

(вторая половина XVI в.)

Во второй половине XVI столетия велись активные торгово-дипломатические сношения между Бухарским и Казахским ханствами, способствовавшие политико-экономическому развитию Бухарского государства.

G. Sultanova

INTERRELATIONSHIPS BETWEEN THE BUKHARA AND KAZAKH KHANATES

(at the second part of the 16 th century)

The Bukhara and Kazakh Khanates pursued active trade and diplomatic relations at the second part of the 16 th century. These links promoted the political and economic development of the Bukhara state.

Г. Хайтматова

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РЕВОЛЮЦИОННЫХ КОМИТЕТОВ
В ТУРКЕСТАНЕ**

С обретением государственной независимости изменились функции исторической науки. Как отмечал Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, «исключительно важное место в процессе возрождения и роста национального самосознания... занимает историческая память, восстановление объективной и правдивой истории народа»¹. Более чем семидесятилетнее господство советского тоталитарного режима, сопровождавшееся усиленным насаждением коммунистической идеологии, привело к тяжелым последствиям в духовной жизни нашего народа, извращению духовных ценностей.

Наиболее фальсифицированный период отечественной истории — история утверждения советской власти в Туркестане. До провозглашения политического суверенитета данный период освещался в советской историографии с позиции марксистского мировоззрения, когда реальные факты в угоду правившему режиму искажались. Утверждалось, что, якобы, широкие народные массы неизменно поддерживали советскую власть. В сущности этот процесс протекал путем насилия, ущемления национальных прав.

Ученые независимого Узбекистана получили возможность изучать недоступные прежде документы. В Центральном государственном архиве Узбекистана были рассекречены и стали доступными многие

¹ Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. М., 1997. С. 134.

материалы периода установления советской власти в Туркестане. Они свидетельствуют о том, что в первые после октябрьского переворота годы основной карательной силой были революционные комитеты. Советская власть для обеспечения победы и упрочения «диктатуры пролетариата» создавала такие органы и учреждения, которые могли бы быстро, решительно, любыми методами бороться с внешними и внутренними оппозиционно настроенными силами. Теперь мы можем объективно, на основе новых, ранее не использованных документов, осветить деятельность революционных комитетов.

Большевики, стремясь к власти, формально призывали разрушить империю и провозгласили право каждого из входивших в нее народов на самоопределение. Но, захватив власть, начали откровенно проявлять амбиции имперского свойства. Практика управления гигантским многонациональным государством обрела форму насилия и террора.

После получения сообщения о государственном перевороте в Петрограде и свержении Временного правительства состоялось объединенное заседание Ташсовета с участием полковых, ротных и командных комитетов. На заседании было решено начать вооруженное выступление. Для его руководства был избран революционный комитет во главе с железнодорожным рабочим большевиком В. С. Ляпиным. Вооруженное противостояние отмечалось между различными социальными слоями европейского населения города. Основная масса коренного населения была оторвана от этих событий, не имевших к ним прямого отношения².

Вражда к советской власти провоцировалась самими большевиками. Сразу же после ее установления, 19 ноября съезд советов Туркестана по предложению фракций большевиков и максималистов принял показательное решение: «Включение в настоящее время мусульман в органы высшей краевой революционной власти является неприемлемым как ввиду полной неопределенности отношения туземного населения к власти солдатских, рабочих и крестьянских депутатов, так и ввиду того, что среди туземного населения нет пролетарских классовых организаций, представительство которых в органы высшей краевой власти фракция приветствовала бы»³. Таким образом, сразу же отменялось участие представителей коренного населения в политической жизни Туркестана.

Исходным пунктом при определении политики по отношению к коренному населению являлась великодержавная установка лидера туркестанских большевиков И. Тоболлина, высказанная им при обсуждении вопроса о помощи голодающим туземцам. Вот что об этом писал Т. Рыскулов: «Киргизы, как экономически слабые с точки зрения марксистов, все равно должны будут вымереть, поэтому для революции важнее средства тратить не для борьбы с голодом (все равно не достигнет цели), а тратить на поддержку фронтов»⁴. Это было

² 1 ноября 1917 г. в Ташкенте власть захватили большевики, а члены Турккомиссии, Временного правительства были арестованы.

³ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент, 2000. С. 74.

⁴ Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана // Сборник статей, докладов, речей и тезисов. Ч. 1. 1917—1919 гг. Ташкент, 1925. С. 152.

явным проявлением шовинизма. Большевистское правительство не принимало никаких мер против голода среди коренного населения, заботясь лишь о снабжении продовольствием европейских городов.

III краевой съезд советов рабочих и солдатских депутатов состоялся с 15 по 22 ноября 1917 г. в Ташкенте. На повестке дня стояли вопросы — организация краевой власти, создание ее на местах и выборы в Учредительное собрание. В итоге на этом съезде были провозглашена советская власть, образован Совет Народных Комиссаров Туркестанского края из представителей только европейского населения, относившегося по партийной принадлежности только к большевикам и левым эсерам. Так, в Туркестане был провозглашен советский государственный строй без участия в этом самих народов края.

По мере перехода власти к советам образовывались соответствующие управленческие структуры, прежде всего карательные органы. Было необходимо создать такие органы диктатуры пролетариата, которые не избирались, а назначались. В них входили лишь проверенные радикальные коммунисты европейского происхождения. Такими органами стали революционные комитеты. Порядок их образования как органов местной власти, полномочия и их взаимоотношения с другими органами не были определены Конституцией 1918 г. Оформление организация революционных комитетов получила в особом положении, изданном ВЦИК и советом рабоче-крестьянской оброны от 24 октября 1919 г.

Эсеры, выступавшие с трибуны VII Всероссийского съезда советов, считали революционные комитеты «незаконными» и выступали с требованием их роспуска как «неконституционных» органов, противопоставлявших себя советам.

Образование революционных комитетов в Туркестане было проведено в соответствии с утвердившимися к тому времени тенденциями централизма в политике российского большевистского правительства. Единоличное управление, не санкционированное никакими юридическими нормами, практика фактического наделения отдельных лиц групп чрезвычайными, диктаторскими полномочиями по сути сводили на нет самостоятельность народа⁵.

Создание революционных комитетов вместо советов вызвало еще большее сужение советской «демократии», так как революционные комитеты были не избираемыми, а назначаемыми органами власти. Характерное явление того периода — практически неограниченная власть ревкомов. Обыски, аресты, реквизиции стали обычным явлением. В Совет комиссаров Туркестанской Республики из Комиссариата юстиции была направлена докладная о том, что к ним поступает множество жалоб за превышение власти со стороны революционных комитетов, которые широко практикуют наложение «административных взысканий». Комиссариат юстиции указывал на незаконность таких мероприятий. «Но, несмотря на все разъяснения, жалобы продолжают поступать»⁶. Но они не рассматривались. Более того, Комиссариат юстиции получил ответ: «Областной ревком является высшей властью на местах и знает, что и где является лишним»⁷. Постоянные

⁵ ЦГА РУз, ф. р. 39, оп. 1, д. 121, л. 3.

⁶ Там же, д. 95, л. 157.

⁷ Там же, д. 239, л. 55.

конфликты местных большевистских организаций друг с другом отражались на положении местного населения. Недостающие средства и помещения пытались восполнить за счет огромных контрибуций, конфискаций, незаконных выселений. В архивных фондах существует множество жалоб от коренного населения на незаконные конфискации со стороны революционных комитетов.

В функции ревкомов также входила организация военно-продовольственных отрядов, которые должны были «мобилизовывать хозяйственные и людские ресурсы» для Красной Армии. Так, в Фергане в октябре 1920 г. военно-продовольственные отряды, создававшиеся областным ревкомом, путем принуждения «незаконно извлекали хлеб». За этот период мусульманское население кишлаков и городов не получало от правительственных экономических организаций какого-либо продовольствия. Тем более, что во многих областях действовало положение о закрытии базаров, пекарен, столовых. Требования населения об их открытии игнорировались. В это время областная власть объявила выговор Наманганскому ревкому, осмелившемуся просить об открытии базара на время праздника «Курбан хант»⁸.

Командированные в Джизакскую область 30 июля 1920 г. члены ТуркЦИКа Избасаров и Хусанибаев в своем докладе писали: «Население уезда оставалось в стороне и не имело понятия о пролетарской революции..., представители уездного ревкома вели себя как преемники царских чиновников, делали незаконные поборы и творили всевозможные безобразия»⁹. Люди были вынуждены ездить на базар в Нуратинское бекство Бухарского ханства, так как в Джизакской области базары также были запрещены.

Коренное население голодало, ибо под страхом жестоких репрессий не могло позволить себе самостоятельно засеивать продовольственными культурами земли. Существовало множество документов и указов о принудительном засеивании всех земель хлопком. Л. Троцкий в своей работе «Пора кончать!» четко определил намерение России по отношению к Туркестану: «Наши войска на Восточном фронте продвигаются на Оренбург. Со взятием этого важного пункта открывается путь на Туркестан, столь необходимый для нашей ткацкой промышленной... Украина скоро станет советской. Оттуда придет к нам хлеб и сахар, а мы дадим туда ткани, когда получим из Туркестана хлопок»¹⁰. У большевиков не было четко разработанной экономической политики, главной их целью было удержание потенциально богатого Туркестана. Поэтому все социально-экономические проблемы решались насильственным образом, путем конфискаций и национализации частной собственности, в основном коренного населения.

Революционный комитет был призван обеспечивать политические и стратегические интересы русского пролетариата, чуждые национальным стремлениям узбекского народа к самостоятельному и независимому существованию. Европейским рабочим — членам революционных комитетов предоставлялось огромное количество земли, отобранной у дехкан незаконным образом.

⁸ Там же, л. 95, л. 325.

⁹ Там же, ф. р. 17, оп. 1, д. 681, л. 480.

¹⁰ Троцкий Л. Пора кончать!//В пути, 7 января 1919 г., № 20.

Среди представителей русского населения находились люди, открыто демонстрировавшие свое превосходство, презрительное отношение ко всему «иностранному, туземному».

Коренное население было лишено прав принимать участие в управлении государственными делами. Все ведущие должности в революционных комитетах занимали русскоязычные большевики. Судопроизводство, протоколы собрания велись не на родном для местного населения языке. Об этом, в частности, свидетельствуют составы революционных комитетов. Так, в их списках превалировали европейцы.

4 декабря 1917 г. в Самаркандской области высшей властью был объявлен Военно-революционный комитет. При нем было образовано несколько секций, а их председателей предписывалось называть советскими комиссарами. Например, комиссаром по военным делам был Пономарев, по административным — Фролов, по продовольственным — Василькин, по охране города — Лейтнер и др. Без их подписи ни одно распоряжение существовавшей власти не было действительным¹¹. Коренное население воспринимало подобные действия как проявление недоверия к нему со стороны большевистского правительства.

Не только военная ситуация, но и состояние дел в регионах, где власть большевиков утвердилась силой, оставались сложными. В докладе Народного Комиссариата внутренних дел ТАСССР, отправленном в Москву 31 мая 1918 г., констатировались хаос в административном устройстве края, отсутствие исполнительной дисциплины на всех уровнях власти, конфликты между коренным и русским населением. Т. Рыскулов писал в Наркомнат Туркестана: «Коренное население до сего времени мало понимает, что такое советская власть, и мало коснулась его агитация». Тем самым он подчеркивал чуждость новой власти народу края. Члены Турккомиссии — Ш. Элиава, Л. Рудзутак, В. Куйбышев и др., направленные в Туркестан в 1919 г., докладывали в Москву, что становление советского федерализма происходит в весьма далеких от ожидаемых формах, «при полном господстве местных русских элементов, прежде всего рабочих-железнодорожников, и подчинении остальных их интересам. Упомянулось также ярко выраженное деление населения на мусульман и «европейцев». «Предыдущая дикая форма господства отдельных групповых интересов над туземным населением грозит смениться взрывом шовинизма как реакцией против прежнего притеснения»¹², — писали члены комиссии по поводу реальной обстановки в Туркестане.

В революционных комитетах действовали отделы здравоохранения и народного образования, которые должны были организовывать медпункты в отдаленных районах, новометодные школы и т. д. В компетенцию революционных комитетов также входила срочная организация приютов для детей. Весной 1920 г. в Самарканд была направлена государственная ревизия. Проверки показали, в каком положении находятся дети в местных приютах. «Навестив приют для мусульманских детей, мы нашли картину очень печальную, у детей нет сменны белья, вследствие чего у них завелись паразиты, дети ходят босиком, большинство больные. Затем мы зашли в приют для русских

¹¹ ЦГА РУз, ф. р. 400, оп. 1, д. 288, л. 110.

¹² Там же, оп. 1, д. 39, л. 19—21.

2003

детей. Там оказалось, что для детей имеются три смены белья, в этом принята большая чистота и надлежащий порядок»¹³.

Понимая, что все это грозит крушением советской власти, центральное большевистское руководство попыталось откорректировать национальную политику. Еще в июле 1919 г. была получена радиограмма ЦК РКП(б): «...ЦК коммунистов сообщает ЦИКу Советской Туркестанской Республики, что на основании, принятом 8-м съездом программы Коммунистической партии, необходимо широкое пропорциональное привлечение туркестанского туземного населения к государственной деятельности... Прекратить реквизицию мусульманского имущества, избегать всяких трений, создающих антагонизм»¹⁴. Но, несмотря на это, даже в 1923 г. вопрос о привлечении местного населения в органы управления не был решен. Только в том же году всем ревкомам был разослан циркуляр о «переводе на местах делопроизводства на язык коренного населения, начиная с областных центров и кончая аульных, кишлачных и уездных единиц»¹⁵. Наконец, руководящие инстанции задумались о практическом решении этого вопроса и предложили включить в штабы должности секретаря и делопроизводителя, обладающие местным коренным языком. Все документы и указы издавались на русском языке. Большинство населения не знало русского языка. Как до 1923 г. большевики общались с коренными народами, проживавшими вдали от центральных городов, можно только догадываться. Это еще раз подтверждает, что народы Туркестана абсолютно не участвовали в политической жизни советов.

Самое дорогое для каждого народа, гарант его выживания и развития в мире — создание собственного независимого государства. Перед советскими историками была поставлена задача: Туркестан вошел в состав России по свободному волеизъявлению народов, и их вхождение для них — это историческое благо. Отношение властей к национальной культуре, традициям, исламу носило откровенно великодержавно-шовинистический характер. Все это в целом и определило отрицательное отношение коренного населения к политическим, экономическим и социальным переменам, осуществлявшимся большевистскими органами управления, в том числе и революционными комитетами.

¹³ Там же. ф. р. 39, оп. 1, д. 239, л. 29.

¹⁴ Рыскулов Т. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3 Туркестанские крайние конференции РКП 1919—1920 гг. Ташкент, 1923. С. 48—49.

¹⁵ ЦГА РУз, ф. р. 39, оп. 2, д. 85, л. 41.

Г. Хайтматова

РЕВОЛЮЦИОН КОМИТЕТЛАРИНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ФАОЛИАТИ

Мазкур мақолада илк бор ҳозиргача номатлум бўлган, яъни кўнлаб архив ҳужжатлари асосида 1917—1924 йилларда Туркистондаги революцион комитетларнинг фаолияти ёритилган. Айниқса, революцион комитетларнинг маҳаллий аҳолига, миллий маданият ва анъаналарга бўлган салбий муносабати берилган.

G. Khaymatova

REVOLUTIONARY COMMITTEES IN TURKESTAN AND THEIR ACTIVITIES

This paper for the first highlights the activities of the revolutionary Committees in Turkestan in 1917—1924. The contents of the paper based on unknown documents. Of great interest are the evidence concerning Revolutionary Committees scornful attitude towards the interests of local population. National culture and traditions, aspects unknown before.

Илмий ҳаёт

АКАДЕМИК ЯХЁ ҒУЛОМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

А. Муҳаммаджонов

УСТОЗИМНИ ХОТИРЛАБ

Буюк ақл кишилари билан мулоқотда бўлиш, уларнинг илм-фан сарчашмасидан баҳра олиш, инсонийлик фазилатларини ўрганиш қалбга лаззат, руҳга қувват беради. Шу билан бўлса керак, донолар буюк ақл кишиларининг қалбини дурдоналарга тўла денгиз тубига қисс қилишади. Қалб қаъридаги бебаҳо бойликларни ардоқлаб, уни халқ хазинасига қўшиб, кўпчилик оммага етказиб бериб, ундан авлодларни баҳраманд қила олган ажойиб ижодкор инсон ҳаминша элда эъзозланади ва эҳтиром билан тилга олинади. Биринчи ўзбек археологи Яхё Ғуломов ана шундай зоти шариф кишилардан эди.

Устозим Яхё Ғуломов бутун умри ва кўп йиллик серқирра илмий фаолияти давомида фақат археологик изланишлар ва илмий тадқиқотлар билан боғлашиб қолмади. Балки, у Ватанимиз, ўзбек халқи, унинг яратган бои ва қадимий маданияти тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда ўтмишнинг турли даврларига мансуб осори атиқаларни кенг кўламда синчиклаб ўрганиш билан бир қаторда, уларни муҳофаза этиш, асраш каби умумбашарий ишларни бажаришда ўзини масъул деб билди.

1934 йилда Ўзбекистон осори атиқаларини муҳофаза қилиш комитети «Ўзкомстарис»да ўз фаолиятини бошлаган Яхё Ғуломов то умрининг охиригача тарихий обидаларни, хусусан ер қаърида яширинган осори атиқаларни излаб топиш, уларни ҳисобга олиш, асраш ҳамда турли хил сабаблар оқибатида бузиб юборилиши тўғрисида қайғурди ва бундай ҳоллар содир бўлишининг олдини олиш йўлида фаоллик кўрсатди.

Маълумки 60-йилларда республикамизда авж ола бошлаган пахта яккаҳокимлиги устоз Яхё Ғуломовни ҳам ташвишга солди, ҳам шошилтириб қўйди. Чунки пахта майдонларини кенгайтириш учун бир томондан, жадал суръатлар билан янги ерларни ўзлаштиришга киришилди, иккинчи томондан эса пахтачилик хўжалигида техникадан кенг фойдаланиш мақсадида пахта экиладиган пайкал (қарта)лар йириклаштирилиб экин далаларида қад кўтариб турган тепалар осори атиқалар бузилиб пахта майдонларига қўшиб юборила бошланди. Бундай воқеаларнинг авж олишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маданият вазирлиги ҳамда қадимшунос олимлар жамоатчилиги ташаббуси билан Ўзбекистонда тарихий ва маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш жамияти ташкил этилди.

Жамиятга Ёдгор Содиковна Насриддинова раҳбар этиб сайланди. Жамиятнинг таъсис мажлисида юртимиз ҳудудида мавжуд тарихий ва маданият ёдгорликларини сақлаш, ҳисобга олиш ва ўрганиш

бўйича қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Олий жамоатчилик ташкилоти томонидан бундай қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул этилиши қадимшунос олимларни, шу жумладан, муҳтарам устозимиз Яҳё Фуломовни ҳам шубҳасиз, ниҳоятда руҳлантирган эди.

Уша йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти қошида Яҳё Фуломов ва В. А. Шишкинлар раҳбарлигида Ўзбекистон археология экспедицияси ташкил этилди. Унинг айрим қадимшунос гуруҳлари, аввал Фарғона водийсида қад кўтарган қадимий шаҳарлардан Қува ва Ахсикат, Самарқандда Афросиёб, Қаршида Ерқўрғон, Сурхондарёда кўҳна Термиз, Тошкент воҳасида қадимги Қапқа ҳамда пойтахтимизда эса Юнусобод Оқтепаси каби обидаларда кенг кўламда археологик тадқиқотларни бошлаб юбордилар.

1966 йил 26 апрелда Тошкентда содир бўлган кучли zilзила ва унинг оқибатларини тугатиш йўлида бошланган кенг кўламли қурилишлар ва шаҳарнинг янгитдан қад кўтариши, шубҳасиз вайронага айланган, пойтахт остида қолиб кетган ўтмишга ҳам қадимшунослик кўзгуси билан боқиб, қурилиш пойдеворларини ҳандақларини кузатишни талаб этарди. Уша оғир ва мушкул кунларда буни зийраклик билан пайқаган Яҳё Фуломов ташаббуси билан махсус Тошкент археологик экспедицияси ташкил этилди. Унга қадимшунос олимлардан, аввал В. А. Булатова, сўнгра эса М. Аминжонова ва М. И. Филановичлар раҳбарлик қилишди. Бу экспедиция аъзолари устознинг бевоқиф назоратида шаҳарда қурилаётган ҳар бир иморату иншоотнинг пойдеворлари ва ҳандақларида муттасил кузатишлар, айрим участкаларда эса қазини ишларини олиб бордилар. Натижада Тошкент шаҳри ўтмиши билан боғлиқ ўзинга хос қадимий ва ўрта асрлар осори атиқаларининг кўплаб қолдиқлари ва турли-туман топилмалар қайд этилди. Тўпланган археологик ашёлар, шубҳасиз, биринчи навбатда тарих музейи ва кўرғазма жавонларидан жой олган бўлса, қолаверса Тошкент шаҳрининг қадимги тарихий топографиясини ўрганиш ҳамда шаҳар ёшини илмий жиҳатдан белгилашда асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Яҳё Фуломов ўз касбига ниҳоятда эътиқодли эди. У ҳамма вақт ўз бурчи ва масъулиятини ҳис этган ҳолда мозий қадриятларига юксак ватанпарварлик руҳи билан боқарди. Уларни тадқиқ қилиш ва асрашга доимо меҳр билан астойдил киришарди. Чунки у ҳар бир археологик ёдгорликни ҳали ўқилмаган кўлёзма асарга қиёс қиларди. Шу билан, тепаларни бузиб юборилишини ҳали ўрганишга улгурилмаган нодир кўлёзма асарларни ўтга ташлаб ёндириб юбориш билан тенгдир, деб айтарди. 1966 йилда Самарқанддан Бухорога томон йўналган катта йўл кенгайтирилиб, унинг шаҳар ичидан ўтган қисми Афросиёб номи билан шуҳрат топган қадимий обиданинг маркази устидан ўтқазини режалаштирилади. Йўл қурилиши лойиҳаси тасдиқланиб, ҳатто техника воситалари Афросиёб устида тупроқ суриб, ерни текислашга киришган ҳам эдики, кутилмаганда бульдозер сураётган тупроқ уюмлари орасида қадимий деворий расмларнинг айрим рангдор бўлаклари кўзга ташланиб қолади. Йўл қурилиши бўйлаб археологик кузатишлар олиб бораётган қадимшунос олим И. Аҳроров зудлик билан ушбу участкада тупроқ суриш ишларини вақтинча тўхтатиб, «Афросиёб хавф остида» деган мазмунда Яҳё Фуломов номига Ўзбе-

кисмон Фанлар академияси Президиумига шошилинч телеграмма жўнатилади. Яхё Ғуломов эса ўша кунини Тошкентдан Самарқандга етиб боради. Афросиёб шаҳар харобалари бағрида бундай ноёб топилмаларнинг илк бор қайд этилиши Самарқандда намён бўлаётган археологик кашфиётнинг белгиси эди. Бу тўғрида республика ва вилоят раҳбариятларини хабардор қилиш ҳамда иложи борича қурилаётган йўл йўналишини ўзгартириш лозим эди. Устознинг республика жамоатчилиги ҳамда раҳбарияти олдидаги обрў ва эътибори, қолаверса Афросиёб ёдгорлиги ва қайд этилаётган топилмаларнинг кўп минг йиллик ўтмиш ва маданиятимиз тарихини ўрганишдаги моҳияти борасида қайта-қайта вилоят раҳбарлари билан бўлган суҳбат ва музокаралар ҳамда Яхё Ғуломовнинг кўтарилган масалани ҳал этишдаги қатъийлиги туфайли Афросиёб устидан ўтказилаётган йўл шаҳар ташқариси томон буриб юборилди. Буни қарангки, янги йўл очиш учун тўпроқ сундирилаётган йўналиш остидан Афросиёбнинг VII асрга мансуб ажойиб тасвирий санъат обидаси — турли мазмундаги рангоранг деворий суратлар галереяси ковлаб очилди. Замонамиздан қарийб ўн тўрт аср муқаддам яратилган тасвирий санъатнинг бу нодир намунаси ҳозирги кунда Самарқанд шаҳри тарихи музейининг экспозиция залларидан бирини безаб турибли. Шунинг тариқа Афросиёбда топилган VII аср тасвирий санъатининг ажойиб намунаси устозимизнинг фаоллик билан қилган сазй-ҳаракати туфайли сақлаб қолинди.

Қадимшunosлик тадқиқотларини тобора кенгайиб бориши, осори атиқаларнинг хилма-хил турлари қайд этилиб ўрганилиши ва уларнинг илмий таҳлили ажодлар қолдирган мероснинг қанчалик бой хазина эканидан далолат бермоқда эди. Эндиликда маънавиятимиз тарихи тўғрисидаги бу меросга фақат тарғибот даражасида эмас, балки илмий жиҳатдан мумкин қадар, теранроқ ёндошмоқ лозим эди. Бунинг учун кейинги йилларда аниқ фанлар соҳасида эришилган энг илғов ва замонавий ютуқлардан қадимшunosлик фанида ҳам фойдаланиб, кадриятларимизнинг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрнини белгилаб олмоқ зарур эди. Бунинг моҳиятини яхши англаган Яхё Ғуломов Ўрта Осиё археологиясида биринчилардан бўлиб, моддий маданият обидалари ҳамда археологик топилмаларни кимёвий ва технологик усул — воситалар ёрдамида тадқиқ қилишни таклиф этди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институти қошида ашёвий топилмаларни консервация ва реставрация қилиш ҳамда уларни кимё-технологик жиҳатдан тадқиқ этиш лабораторияси ташкил топди. Ўша йилларда устоз Яхё Ғуломовни Ахсикатда содир бўлган воқеа айниқса ҳайратга солган эди. Бунинг сабаби Фарғона дёбронинг ўрта асрлардаги пойтахти бўлган Ахсикат ёдгорлигининг работ қисми ҳайдалиб пахта экилгани ҳақидаги ноҳус хабар бўлди. Бу воқеанинг қанчалик тўғри эканини аниқлаб олгач, олим тўғридан-тўғри бу ҳақда ёдгорликларни муҳофаза қилиш республика жамияти раисининг номига мактуб йўллайди. Хатда осори атиқаларни муҳофаза этиш масаласи жойларда, айниқса султ ташкил этилгани, маҳаллий раҳбарларнинг бундай муқаддас ишга ўта лоқайдлик билан муносабатла эканини, Ахсикатдек жаҳон аҳамиятига молик ёдгорликнинг бир қисми ҳайдалиб пахтазорга айлантирилгани, бундай воқеани маданият ва ўтмиш кадриятларини таҳқирлашдан ўзга ҳодиса эмаслиги таъкидланиб, бунинг олдини

олиш учун қатор амалий вазифалар қаторида жазо чораларини белгилаш зарурлиги ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилган эди. Ушбу шикоятномада қайд этилган маълумотни қанчалик ҳақиқатлигини аниқлаш мақсадида ранс ўринбосари Абдулла Иброҳимов бошлиқ махсус комиссия ташкил этилиб, Андижон вилоятининг Тўрақўрғон туманига юборилди. Орадан бироз вақт ўтгач, раиснинг даъвати билан биз 1967 йилнинг 6 март куни Республика Олий Советининг мажлислар залига тўпландик.

Йиғилиш Я. Фуломовнинг мактубини ўқиб эшиттиришдан бошланди. Сўнгра комиссия рансга сўз берилди. Абдулла ака ҳаяжон билан жуда қисқа сўзлади. Тўрақўрғонга борилгани, Ахсикат тепаси Шахан қишлоғи ҳудудида ўз жойида тургани ва тепа устига пахта экилмагани ҳақида гапириб сўзини тугатди.

Бироқ, Ахсикатга юборилган маъмурлар ёдгорлик фақат тепаликдан иборат бўлмай, балки унга ёпдошган работлари — ҳунармандчилик маҳаллалари жойлашгани ва уларнинг атрофи ўз даврида ниҳоятда обод бўлиб, ҳунармандчилик маҳаллаларию бог-роғлардан иборат эканини билмас эдилар. Ҳатто, Андижон ҳукмдори Заҳрирдин Мухаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома»сида Ахсикат тўғрисида «Деҳ кижо, дарахтон кижо, яъни шаҳарнинг қишлоғи қаердаю, бог-роғлари қаерда» деб ёзган таърифига ҳам назарлари тушмаган экан. Афсус, улар мутахассис эмасдилар-да. Йиғилишда сўзга чиққан бир қатор фан арбоблари Я. Фуломовни кўрнамакликда, сиёсий кўрликда айблайдилар...

Сўзга чиққан нотиклар орасида фақат Азиз Қаюмов Я. Фуломовнинг томонини ёқлаб, мактубда баён қилинган ташвишли маълумотлар фақат ўзбек олимининг осори атиқалардек нодир қадриятларини муҳофаза қилиш ва сақлаш йўлида ўта жонбозлик билан қайғуриш деб тушунмоқ лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун бу зоти шарифга танбеҳ бериб ранжитмай, балки аксинча бундай шарофатли фаолиятни қўллаб-қувватлаш керак деган илиқ сўзларни айтганди. Йиғилиш якунида аввалдан тайёрлаб қўйилган қарор ўқиб эшиттирилди. Унда Я. Фуломов мактубида таъкидланган археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш, ўрганиш ва топилмаларни музеофикация қилиш ҳамда ҳар бир ёдгорлик гирди бўйлаб иҳота зоналарини белгилаш каби қатор бандлар қабул қилиш учун тавсиялар қайд этилди. Охирида Яҳё Фуломов Ё. Насриддиновага қарата: «...йўлланган мактубни тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва асраш тўғрисида қабул қилинган ва сиз имзо чеккан қарорга рноя этган ҳолда ёздим, қолаверса бугунги йиғилишда қабул этилган қарорни ҳам қоғозда қолиб кетмай, ҳаётда амалиётга жорий этилишини истардим»,— дея оҳиста курсига ўтирди.

Йиғилиш президиумидан жой олган масъулларнинг лавозими ва мавқеидан чўчимай айтилган бу ҳаққоний сўзлар, шубҳасиз, ўз касбига эътиқод, қадриятларга меҳр, фандаги фидойлик ва жонкуярлик, кўрсатилган жасоратдан далолат берарди.

Дарҳақиқат, Яҳё Фуломов оғир ва ниҳоятда кам гап ҳамда мулоҳазали бўлишига қарамай илм-фан, хусусан тарихий қадриятларни асраш йўлида юзага келган лоқайдлик, адолатсизлик ва қонунбузарликка чидаб туролмасди. Юрагидаги бор гапни дадил айтар эди.

2003

Академик Яҳё Фуломов ҳозирги кунда биз қарамлик ва турғунлик даври деб айтаётган ўта мураккаб замонда яшаб ижод этди. Унинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятига назар ташланар экан, киши кўз олдида замонасининг забардаст ва бағри кенг буюк алломасининг сиймоси гавдаланади. Дарҳақиқат, у ўзининг кенг кўламли тадқиқотлари, илмий асарлари ва тарбиялаб вояга етказган шогирдлари билан Ватанимизда тарих ва археология фанлари равнақига улкан ҳисса қўшди.

Ешлигинданок ўз Ватани ва халқни тарихини чуқурроқ ва кенг-роқ билиб олишга қизиққан ва бу йўлда астойдил бел боғлаган ҳамда умрини фанга бағишлаган Яҳё Фуломов аввал ёзма манбалар ва этнографик маълумотларни ўрганишга ва уларни таҳлил қилишга киришган бўлса, кейинчалик тарихимизнинг ниҳоятда бойлиги ва жуда қадимийлиги унга аён бўла бошлагач, мозийнинг асосий хазиналаридан ҳисобланган осори атиқаларни ўрганишга ҳаракат қилди. Ўз мақсадига эришмоқ учун у замонасининг йирик археолог олимлари Я. Ю. Якубовский, М. Е. Массон ва С. П. Толстовлар раҳбарлик қилган археологик экспедицияларда фаол қатнашиб, тажриба орттирди. Ўзбекистон тарихини кўп жылли асарлар мажмуасини яратиш ва нашрга тайёрлаш, олий ва ўрта таълим ўқув юртлари учун дарсликлар ёзишда фаол қатнашди ва уларнинг таҳририятида раҳнамолик қилди.

Маълумки, республикамизда ижтимоий-гуманитар фанлар орасида археология жуда ёш соҳа ҳисобланади. Қарамлик йиллари бошларида маҳаллий олимлар сафида бу фаннинг назарий ва илмий асосларини эгаллаган етук археологлар етарли етишиб чиқмаган эди. Бори ҳам ҳаваскор даражасида эди. Тенгқурлари орасида ҳаммадан аввал кенг қамровли тарихчи, шарқшунос ва қадимшунос олим бўлиб етишган биринчи ўзбек археологи Я. Фуломов тарихимиз, маданиятимизу маънавиятимиз ва маърифатимизнинг чуқур илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалишини яхшигина билиб олган эди. Тарихимизнинг илк саҳифаларини тиклаб, унинг зарварақларини тўлдиринида осори атиқаларнинг ягона манба сифатидаги моҳиятини ҳисобга олиб, иложи борича археологик тадқиқотларни кенгайтириш билан бир қаторда, бу соҳа олимларини тарбиялаб вояга етказиш ишига катта аҳамият берди.

Натижада республикамизда археология бўйича унинг мактабига асос солинди. Бу мактабда етишиб чиққан шогирдлари билан биргаликда ўзбек халқи ва Ватанимиз ўтмишининг энг долзарб масалалари: Ўзбекистонда ибтидоий маданият излари; сугорма деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва унинг ривожланишида ирригациянинг аҳамияти; Ўзбекистонда илк шаҳарларнинг қад кўтариши ва шаҳарсозлик маданиятининг тараққиёт тарихи; Ватанимиз аҳолисининг қўшни мамлакатлар халқлари билан олиб борилган иқтисодий ва маданий алоқалари ҳамда ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги уларнинг аҳамияти каби тарихимизнинг энг ҳаётий воқеликлари тадқиқ этилди.

Устоз раҳбарлигида ёш археологларнинг Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қарши, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бўйлаб олиб борилган бетиним тадқиқотлари нати-

жасида тош (палеолит) даврининг турли босқичларига мансуб Қўлбулоқ, Обираҳмат, Хўжакент, Обишир каби ёдгорликларда ибтидоий одамзот манзилгоҳлари; Қизил Олмасой, Қавобий ва Қапчиғойда чақмоқ тош қуроллар ясаш устахоналари ҳамда Учтутда жаҳонда энг нодир бўлган неолит (янгитош) даврига оид кончилик шахталари (100 га яқин) каби ўта ноёб осори атиқалар; Сармиссой, Биронсой ва Такалिसой каби тоғ дараларида тоғ қояларига ўйиб ишланган қадимий тасвирий санъатнинг ажойиб галереялари; Замонбобо ва Сополлитепаларда ибтидоий деҳқон қишлоқлари топиллиб қазиб ўрганилди. Уша давр археологик тадқиқотлари тўғрисида Ватанимиз ҳудудларида ибтидоий давр маданиятининг пайдо бўлиши милоддан аввалги 700—600 минг йилликларда бошлангани аниқланиб, дёнрими знинг ибтидоий давр тарихи фанда 500 минг, яъни ярим миллион йилга қадимлаштирилди. Утроқ деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва тараққиёти милоддан аввалги икки минг йилликда бошланиб, суғорма деҳқончилик қарийб 4000 йиллик тарихга эга экани илмий асосланди.

Афросиёб (Самарқанд), Шоштепа, Оқтепа ва Қанқа (Тошкент), Қува ва Ахсикат (Фарғона), Ерқўрғон (Қашқадарё), Пайканд, Варахша ва Бухоро арки каби қадимги шаҳар харобаларида кенг қўламда ўтқазилган қазилар орқали Ватанимизда шаҳарсозлик маданияти шаклланиб ривож топиши милоддан аввалги бир минг йиллик бошларидаёқ содир бўлиб, бу иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараққиёт тарихи бир неча босқичга эга эканлиги аниқланди. Археологик тадқиқотларда эришилган бундай натижалар, шубҳасиз, ўз даврининг улкан кашфиётлари бўлиб, тарих ва археология фанлари раvнақига қўшилган салмоқли ҳисса эди.

Ўз мактаби ва шогирдлари фаолияти ҳамда ютуқларидан мамнун бўлган Яҳё Гуломовнинг тарих ва археология фанлари раvнақи йўлида орзулари кўп ва режалари ниҳоятда кенг эди. Уларни рўёбга чиқариш эса узоқ йилларга мўлжалланган эди. Устознинг фикрича, авваламбор манбалар асосида салкам миллион йиллик тарихга эга бўлган дёнр ва аждодлар яратган қадимий маданиятнинг тараққиёт босқичларини умумий манзарасини тиклаш лозим эди. Шу билан бирга унинг тадқиқот режаси узоқ давом этган бу тадрижий жараёнда дёнрими знинг Суғорма Шарқ, Туркий дунё ва Ислом оламида тутган ўрнини белгилаб, жаҳон халқлари яратган улкан цивилизацияга қўшган ҳиссаси каби ҳанузгача фанда кўтарилмаган муаммолар устида изланишлар ва тадқиқотлар олиб боришни мўлжаллаган эди.

Қадимда қарор топган жаҳоннинг машҳур бешта йирик давлатларидан иккитаси: Қанғ давлати ва Қушон империяси, ўрта асрларда эса Фарбий турк хоқонлиги, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темуррийлар салтанати каби буюк давлатларни барпо этган; Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синодек машҳур мутафаккирларни вояга етиштириб, жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган, шунингдек, Имом ал-Бухорий, Исо Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Баҳоддин ва Бурҳониддин Марғилоний каби улғу ислом алломаларини камол топтириб, ислом эътиқодини жаҳон динлари қаторига кўтарган тарихий воқелик, тасодифий жараён бўлмай, балки узоқ ўтмишда халқимиз ҳаётида со-

2003

дир бўлган тадрижий тараққиётнинг меваси, у асрлар давомида бетишим ва машаққатли меҳнат воситасида шаклланган ўзига хос маданият, маърифат ва эътиқоднинг ҳамда юксак маънавиятнинг дурдоналаридир. Бундай қадимий ва юксак маънавиятга эга бўлган буюк Туркистон — ҳозирги днёримиз ва унинг меҳнатсевар халқи қандай сабаблар билан гоҳ Шарқ, гоҳ Ғарб ва гоҳ Шимолдан ташриф буюрган фотиҳлар ҳамда мустабид ҳукмдорлар асоратига тушиб, мустақилликни ва ўзликни йўқотган ҳамда асрлар давомида қарамлик, турғунлик ва тушқунликда яшаган деган саволлар бир умр Яҳё Фуломовнинг фикри зикрини чулғаб, уни армонига айланган эди. Бироқ, устоз Яҳё Фуломов бундай саволларга аниқроқ, рўйи-рост айта оладиган жавоб топишга улгурмади. Унинг режалари бузилиб, армонлари ушалмай қолди. Чунки маъмурий буйруқбозлик сиёсати ҳукмронлик қилган шароитда халқимизнинг ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ва маданияти билан тадқиқот йўлида турли хил тўсиқлар гов бўлиб турарди.

Шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли ҳозирги кунда Президентимиз томонидан тарих фанига халқ маънавиятининг асоси сифатида баҳо берилиб, ёш ва билимдон тарихчилар авлодини тарбиялаб вояга етказиш бўйича давлатимизнинг миллий дастурини қабул қилиниши буюк аллома Яҳё Фуломов армонларининг рўёбга чиқиши эмасми? Шубҳасиз, ҳозирги кунда устоз ҳаёт бўлганда кўнгил армонларини рўёбга чиқа бошлаганини кўриб гоят шод бўларди.

Баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказиш каби ўта шарафли вазифа давлат дастури даражасида кўтарилган замонда Яҳё Фуломовга ўхшаган жонкуяр мураббийлар, Ислом Каримов сўзи билан айтганда «довюррак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди». Яҳё Фуломовдек, адолатни ҳамма нарсадан устун билган ватанпарвар олимларнинг ҳаёти ва улар томонидан яратилган илмий мактабларнинг фаолияти «бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим»¹.

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Ўзбекистон тарихи. 1-сон, 1999. 13-бет.

МУНДАРИЖА

Тарихга янги нигоҳ

- К. Крахмаль. К истории возникновения гипотезы о центральноазиатском центре происхождения человека 3
- М. Филанович. О некоторых аспектах истории общины в древности и происхождении «махалла» 12
- С. Фуломов. Амир Темур давлатининг Европа давлатлари билан дипломатик муносабатлари 19
- Ш. Саидов. Хоразм Халқ Совет Республикасининг Финляндия билан савдо алоқалари тарихи 29

Манба ва талқин

- У. Абдурасулов. Новый источник по социально-экономической истории Хивинского ханства конца XVIII века 33

Этнология масалалари

- А. Аширов. Анъанавий нигоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар 38

Еш гадқиқотчи минбари

- З. Саидбобоев. Урта Осиё ҳудудлари ҳақида антик давр картографик тасавурлари 46
- Г. Султонова. Бухоро ва қозоқ хонликларининг ўзаро дипломатик алоқалари 52
- Г. Хайтматова. Деятельность революционных комитетов в Туркестане 55

Илмий ҳаёт

Академик Яҳё Фуломов таваллудининг 90 йиллигига

- А. Муҳаммаджонов. Устозимни хотирлаб 91

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- К. Крахмаль — ЎзР ФА Археология институти кичик илмий ходими.
- М. Филанович — ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими.
- С. Фуломов — ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
- Ш. Саидов — ТДШИ катта ўқитувчиси.
- У. Абдурасулов — ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.
- А. Аширов — ЎзР ФА Тарих институти докторанти.
- З. Саидбобоев — ЎзМУ Тарих факультети аспиранти.
- Г. Султонова — ЎзР ФА Тарих институти аспиранти.
- Г. Хайтматова — ЎзР ФА Тарих институти аспиранти.
- А. Муҳаммаджонов — ЎзР ФА академиги.

